БУТУН ДУН'Е ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ, ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 45 (276)

5 МАРТ ШАНБА 1955 ЙИЛ

БАҲОСИ 20 ТИЙИН.

БУГУНГИ СОНДА:

Бирлик ва зўр уюшқоқлик вазиятида (1-нчи бет).

Меҳнаткашлар депутатлари Тошкент область Советига 1955 йил 27 февральда ўтказилган сайловнинг якунлари тўғрисида меҳнаткашлар депутатлари Тошкент область Советига сайлов ўтказган область сайлов комиссиясининг Ахбороти (1-нчи бет).

Меҳнаткашлар депутатлари Тошкент шаҳар Советига 1955 йил 27 февральда ўтказилган сайловнинг якунлари тўғрисида меҳнаткашлар депутатлари Тошкент шаҳар Советига сайлов ўтказган шаҳар сайлов комиссиясининг Ахбороти (1-нчи бет).

Пиллачилик юзасидан республика кенгаши (1-нчи бет).

Тошкент шаҳар Советининг сессияси (1-нчи бет).

Меҳнаткашлар депутатлари Тошкент область Советига сайланган депутатларнинг рўйхати (2-нчи бет).

ФЕЛЬЕТОН. **Б. Халилов.** — Сўзсиз лекция (2-нчи бет).

Яйловларда мол боқишни тубдан яхшилайлик! А. Шермуҳамедов, Ш. Кузанбоев. — Яйловда (3-нчи бет).

Совет-Болгария савдо муносабатларига доир (4-нчи бет).

Руминияда Вена Мурожаатига имзо тўплаш (4-нчи бет).

Даллеснинг Тайваньда бўлиши (4-нчи бет).

Тошкентда (4-нчи бет).

Бедачиликни тинмай ривожлантирайлик

КПСС Марказий Комитетининг январь Пленуми чорвачиликни кескин равишда ривожлантириш ва унинг маҳсулдорлигини оширишнинг улуғвор программасини белгилади ва бу программани амалга ошириш тадбирларини конкрет равишда кўрсатиб берди. Пленум ўз қарорида чорва моллларини концентратланган, ширали ва дағал ем-хашаклар блан етарли миқдорда та'минлаш чорвачиликни тез юксалтириш вазифасини амалга оширишда ҳал қилучи аҳамиятга эга эканлигини, бу нарса ем-хашак базасини ташкил этишни тубдан яхшилашни ва мавжуд резервлардан тўла фойдаланишни талаб этаётганлигини алоҳида уқтириб кўрсатди.

Колхоз ва совхозларда мустаҳкам ем-хашак базасини яратмай туриб, чорва моллари учун озуқа бўладиган экинларни, ластаввал дон хўжалигини, бедачиликни ва табиий пичанзорларни кенгайтирмай ва ривожлантирмай туриб, чорвачиликни юксалтириш юзасидан ҳалқ хўжалиги олдига қўйилган катта вазифаларни бажариб бўлмайди.

Қишлоқ хўжалигида беда катта ўрин тутади. Чорвачиликнинг ем-хашак базасини мустаҳкамлаш, алмашлаб экишни жорий этиш асосида экин майдонларининг маҳсулдорлигини ошириш кўп жиҳатдан бедачиликни ривожлантиришга боғлиқдир. Буни пахтадан ва бошқа экиндардан мутт-асид мўл ҳосил олаётган, бутун йил мобайнида чорва молларини кўк, ширали озуқа блан та'миналаётган колхозларнинг тажрибаси равшан кўрсатди.

Илғорларнинг муваффақияти шундаки, улар деҳқончилик маданиятини юксалтиришга, пахта ҳосилини оширишга ва ем-хашакни кўпайтиришга ёрдам берадиган барча тадбирларни комплекс амалга оширадилар, ички ресурслардан моҳирлик блан фойдаланадилар. Мирзачўл районидаги «Октябрь» ва Янгийўл районидаги Сталин номли колхозларнинг а'золари суғорилаётган деҳқончиликда бедани экиш ва унинг ҳосилини ошириш катта аҳамиятга эга эканлигини яхши тушуниб, бу экин юзасидан белгиланган планни ҳар йили тўла бажарадилар ва гектар бошига олинаётган беда ҳосилини 100 центнергача етказадилар.

Илғорлар эришаётган муваффақиятлар бедачиликни ривожлантириш учун ҳамма жойда жуда катта имкониятлар борлигини кўрсатди. Яқинда бўлиб ўтган область қишлоқ хўжалик активининг йиғилишида бедачиликни ривожлантириш ва шу йўл блан ер унумдорлигини ошириш деҳқончиликда асосий ишлардан бири эканлиги алоҳида та'кидлаб ўтилди. Аммо кўпгина маҳаллий партия, совет ташкилотлари, МТСлар, колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари бу муҳим масалага етарли э'тибор бермасликлари орқасида бедачилик юзасидан белгиланган топшириқ ҳар йили бажарилмай қолади, алмашлаб экиш принципни бузилади. Бунинг натижасида чорва молларини ширали озуқа блан та'миналаш соҳасида жиддий камчиликларнинг юз беришига йўл қўйилмоқда.

Жамоат чорвачилигини ривожлантириш манфаатлари бедачилик соҳасида юз бериб келаётган камчиликларни, алмашлаб экишдаги қолоқликни тезда тугатишни талаб этади Партия ва совет ташкилотларининг энг муҳим вазифаси—бедачилик хўжалигини кескин равишда ривожлантириш ва бу экин юзасидан берилган планнинг ҳарбир колхоз ва совхозда муваффақиятли бажарилишини та'миналашдир.

Бу йил иссиқ кунлар эрта бошланди. Бу шароитда беда экишни ҳамма жойда кучайтириб юбориш ва уни юксак агротехника қоидалари асосида юқори сифатли ўтказиш мумкин. Барвақт экилган беда баҳорги ёғингарчиликлан кейин текис унади ва яхши авж олиб ўсади. Шу блан бирга эски бедапояларга фосфорли ўғитларни солиш, бороналаш ва дискалаш, суғориш ишларини ҳамма ерда бошлаб юбориш керак. Бу тадбирларни ўз вақтида амалга ошириш чигит экиш даврида қишлоқ хўжалигидаги бошқа ишларни муваффақиятли ўтказиш имкониятини беради.

Областимиз шароитида беда экишнинг энг қулай муддати март ойининг биринчи ярмидир. Бу вақт ичида ҳамма жойда экишни тугаллаш зарур. Аммо беда экиш муддатлари ўтиб бораётганлигига қарамай, кўпгина районлар, колхозлар бу ишга тайёргарликни ҳозиргача тугаллаганлари йўқ. Беда уруғи жамғариш ва уни тозалаш ишлари ниҳоятда кечиктирилмоқда.

Сирдар'ё, Оржоникидзе, Ховос, Ўртасарой, Пискент, Ўртачирчиқ районларидаги колхозларда беда уруғи етарли миқдорда тўпланмаган Бу районлардаги колхозлар беда экилиши зарур бўлган участкаларни ҳозиргача белгилаб ҳам бўлган эмаслар. Ерни экишга тайёрлаш ишларига эндигина киришилди. Беда экишни кейинга суриб юборадиган ва бу иш юзасидан белгиланган планнинг бажарилишини хавф остида қолдирадиган бундай ҳаволнинг олдини олиш зарур. Бунинг учун район партия комитетлари, район ижроқомлари беда-чиликни ривожлантиришга зарар берадиган колоқ фикрларни, бепарволик ва таширжамликни қат'иян битиришлари, ички ресурсларни ишга солишлари, ерларни экишга юқори сифатли тайёрлаш учун шошилинч чораларни кўришлари лозим.

Областьдаги МТСлар кейинги йиллар ичида беда уруғи тозалайдиган, уни экадиган ва ўрадиган жуда кўп янги машиналар олдилар. Броқ бу механизмлардан кўпгина МТСларда етарли фойдаланилмаётир. Уруғ тозалайдиган электромагнит машиналари ишга солинмаётир. Ваҳоланки, уруғликнинг тоза, сараланган бўлиши бедалан мўл ҳосил олишнинг асосий шартларидандир. Уруғ қанчалик яхши тозаланган бўлса, у тез униб чиқади, тупи бақувват бўлади. Ифлосланган уруғнинг экилиши бедапояда бегона ўтларнинг кўпайишига, хартурли зарарли ҳашаротларнинг авж олишига сабаб бўлади Шунинг учун ҳам барча колхоз ва совхозларда беда уруғларини тезда тозалаш ва уларнинг сифатини лабораторияларда текшириб чиқиш керак.

Колхозларда беда экиладиган ерларни ажратган чоғда, алмашлаб экиш принципига қат'ий риоя қилиш лозим. Кўп йиллар давомида пахта ва бошқа экиндар экилиб келинаётган, кейинчалик маҳсулдорлиги камайиб қолган ва кам ҳосил олинаётган пайкалларга беда экиш фойдалиқ.

Агротехника бедани машина блан экишни тавсия этади. Бундай экиш усули иш сур'атини тезлатади, меҳнат унумини оширади, шу блан бирга уруғ тежалади, даланинг ҳамма жойига текис тушиб, тўғри кўмилади. Броқ областимиз МТСларида етарли миқдорда машиналар бўлгани ҳолда, ўтган йили айрим колхозларда беда кўлда сепилди. Бунинг орқасида экиш жуда чўзилиб кетди ва план бажарилмай қолди. Партия ташкилотларимиз қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш йўлидаги вазифаларни амалга ошириш давомида, беда экишни машиналар блан ўтказишга алоҳида э'тибор беришлари керак. Беда экиш учун биринчи навбатда ўт-дон сеялкаларидан фойдаланишга жиддий э'тибор берилсин.

Кейинги йилларда бедани нуқул ўзини экиш ҳам қўлланилабошланди. Бундай усул қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда ва ем-хашакнинг мўл-кўл бўлишини та'миналашда катта қулайлик туғдиради. Ана шу усулни кенг қўлланиш ва уни агротехника асосида тўғри жорий этиш лозим.

Бедани ўз вақтида ва юқори сифатли экиш, эски ва янги бедаларни парвариш қилиш халқ хўжалиги аҳамиятга эга бўлган катта ишдир. Ҳамма жойда беда экиш юзасидан белгиланган топшириқнинг муваффақиятли бажарилишига эришиш — партия, совет ташкилотлари ва қишлоқ хўжалик органлари олдида турган энг муҳим вазифалардандир.

Халқаро хотин-қизлар куни олдидан

Тошкент меҳнаткашлари Халқаро хотин-қизлар кунига қизғин тайёргарлик кўрмоқдалар. Корхоналарда, муассасаларда ва ўқув юртларида коммунистик қурилишнинг актив қатнашчилари бўлган совет хотин-қизлари тўғрисида доклалар ва суҳбатлар ўтказилмоқда. Сталин номидаги Тошкент тўқимачилик комбинатининг, Каганович номидаги паровоз-ремонт заводининг, «Қизил тонг» тикув фабрикасининг цехларида тушки овқат танаффуси вақтида ана шундай суҳбатлар ўтказилди. Шаҳар ва район партия кутубхоналарида Халқаро хотин-қизлар кунига бағишланган виставкалар ташкил этилмоқда. Маданият саройларида ва клубларда ишлабчиқариш новаторлари, фан ва маданият арбоблари бўлган хотин-қизлар блан меҳнаткашларнинг учрашувлари ўтказилмоқда.

Шаҳарда традицион байрамга бағишланган тантанали йиғилишлар бўлиб ўтмоқда. Киров райони меҳнаткашларининг йиғилишида 600 дан ортиқ киши қатнашди. Йиғилишда район партия комитетининг секретари Х. Р. Мусохонова доклад қилди. (ЎзТАГ).

Партиянинг чақириғи блан қўриқ ерларга жўнаб кетдилар

Янги ерларни ўзлаштиришда бевосита қатнашишни истаган комсомол ва ёшларнинг иккинчи группаси 4 марта Тошкентдан Қозоғистонга жўнаб кетди. Уларни узатиш учун шаҳардаги партия, совет, комсомол ва бошқа жамоат ташкилотларининг вакиллари тўпландилар.

Поезд жўнаб кетиш олдидан вокзал перонида митинг бўлди. Шаҳар комсомол комитетининг секретари А Абдунабиев Қозоғистонга жўнаб кетучи ёш ватанпарварларга Тошкент комсомоллари ва ёшлари номидан оқ йўл ҳамда янги ерларни ўзлаштиришда муваффақиятлар тилади. Жўнаб кетучи комсомоллардан Тамара Алецкая, Зоир Бакиров, Анна Мажинская ва бошқалар митингда нутқ сўзладилар. Улар қўриқ ерларда фидоқорона ишлашга, юксак ишончни оқлаш учун бутун кучларини сарф қилишга ва'да бердилар.

Республика пойтахтининг йигит ва қизларидан 150 киши қўриқ ерларни ўзлаштириш учун Қозоғистонга жўнаб кетди. (ЎзТАГ).

Бирлик ва зўр уюшқоқлик вазиятида

1955 йил 27 февраль якшанба куни РСФСРда, Украина, Белоруссия, Ўзбекистон, Грузия, Литва, Молдавия, Латвия, Тожикистон, Туркманистон ва Эстония ССРда иттифоқчи республикаларнинг Олий Советларига ва маҳаллий Советларига сайлов ўтказилди.

Иттифоқчи республикалар Олий Советларига сайлов ўтказучи Марказий сайлов комиссияларининг ахборотлари сайловнинг ҳаммаерда сиёсий руҳ гоят кўтарилган, меҳнаткашларнинг бирлиги ва уларнинг Коммунистик партия ва Совет ҳукумати теварагига жипслашганлиги вазиятида, сайловчилар уюшқоқлик блан зўр активлик кўрсатган бир вазиятда ўтказилганлигини исбот қилади. Сайловда коммунистлар блан партиясизлар халқ блоки тўла ва узил-кесил ғалаба қилди.

РСФСР Олий Советига сайлов ўтказучи Марказий комиссияси республика Олий Советига ўтказилган сайлов натижалари тўғрисида барча Округ сайлов комиссияларидан тўла ма'лумот олди. Барча сайлов округларида сайловчиларнинг умумий сони 70.568.608 кишини ташкил этади. РСФСР Олий Советига депутатлар сайлашда 70.547.107 киши, ёки барча сайловчиларнинг 99,97 проценти қатнашди.

Барча сайлов округларида овоз беришда қатнашган ҳамма сайловчиларнинг 99,76 проценти коммунистлар блан партиясизлар блокининг кандидатлари учун овоз берди. Овоз беришда қатнашган барча сайловчиларнинг 0,24 проценти депутатликка кўрсатилган кандидатларга қарши овоз берди.

Меҳнаткашлар коммунистлар блан партиясизлар блокининг кандидатлари учун овоз бериб, партиянинг бош йўлини, я'ни бутун халқ хўжалигининг ва мамлакат бузилмас мудофаа қобилиятининг мустаҳкам негизи, совет халқининг фаровонлигини тўхтовсиз ошириш манбаи бўлган оғир индустрияни бутун чоралар блан ривожлантиришга қаратилган йўлни тамомила ма'қуллаганликларини жуда яққол намойиш қилиб кўрсатдилар.

Украина ССР Олий Советига сайлов ўтказучи Марказий сайлов комиссиясининг ма'лумотларига қараганда, Украина ССР Олий Советига депутатлар сайлашда 25.365.390 сайловчининг 99,99 проценти қатнашган. Барча сайлов округларида овоз беришда қатнашган барча сайловчиларнинг 99,89 проценти коммунистлар блан партиясизлар блокининг кандидатлари учун овоз берган.

Белоруссия ССР Олий Советига сайлов ўтказучи Марказий сайлов комиссияси барча сайлов округларида сайловчиларнинг умумий сони 4.963.476 кишини ташкил этганлигини аниқлади. Белоруссия ССР Олий Советига депутатлар сайлашда уларнинг 99,99 проценти қатнашди.

Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатларини сайлашда 3.930.365 сайловчи, ёки барча сайловчиларнинг 99,99 проценти қатнашди

Грузия ССР Олий Советига сайловда овоз бериш якунлари тўпланди. Республика Марказий сайлов комиссиясининг ахборотига кўра, Грузия ССР Олий Советига депутатлар сайлашда барча сайловчиларнинг 99,99 проценти қатнашган.

Литва ССР Олий Советига депутатлар сайлашда рўйхатга олинган барча сайловчиларнинг 99,93 проценти қатнашди.

Молдавия ССР Олий Советига сайлов ўтказучи Марказий сайлов комиссиясининг ахборотига кўра, барча сайловчиларнинг 99,96 проценти сайловда қатнашган.

Латвия ССР Олий Советига депутатлар сайлашда рўйхатга олинган барча сайловчиларнинг 99,97 проценти қатнашди.

Тожикистон ССР Олий Советига сайлов ўтказучи Марказий сайлов комиссиясининг ма'лумотларига кўра, барча сайловчиларнинг умумий сони 964.784 кишини ташкил этган. 964.759 киши, ёки барча сайловчиларнинг 99,99 проценти Олий Совет депутатларини сайлашда қатнашган.

Туркманистон ССР Олий Советига сайлов ўтказучи Марказий сайлов комиссияси Туркманистон ССР Олий Советига ўтказилган сайлов натижалари тўғрисида барча округ сайлов комиссияларидан тўла ма'лумот олди. 779.141 сайловчи, я'ни овоз беришда қатнашган барча сайловчиларнинг 99,85 проценти коммунистлар блан партиясизлар халқ блокининг кандидатлари учун овоз берди.

Эстония ССР Олий Советига сайлов ўтказучи барча сайлов округларида сайловчиларнинг умумий сони 878.286 кишини ташкил этди. Эстония ССР Олий Советига депутатлар сайлашда улардан 876.620 киши қатнашди.

Ана шу иттифоқчи республикаларнинг Марказий сайлов комиссиялари ҳарбир сайлов округига доир материалларни алоҳида-алоҳида қараб чиқиб, республикалар Олий Советларига сайлов тўғрисидаги низомларнинг тегишли моддаларига асосан барча сайлов округларида Олий Советларга сайланган депутатларни рўйхатга олдилар.

Сайланган депутатларнинг ҳаммаси коммунистлар блан партиясизлар блокининг кандидатларидир.

Автоном Совет Социалистик Республикаларида, чунончи: Татаристон, Бошқирдистон, Догистон, Бурят-Мўғулистон, Кабарда, Коми, Марий, Мордовия, Шимолий Осетия, Удмурдистон, Чувошистон, Ёқутия, Қорақалпоғистон, Абхазия, Ажаристон автоном республикаларида ўтказилган сайлов натижалари ҳам коммунистлар блан партиясизлар блокининг тўла ва узил-кесил ғалаба қилганлигини исбот этади. (ТАСС).

Пиллачилик юзасидан республика кенгаши

ТОШЛОҚ (Фарғона области), 4 март. (ЎзТАГ). Республикада пиллачиликни янада юксалтиришнинг асосий масалаларини муҳокама қилиш учун 600 дан ортиқ колхозчи, қишлоқ хўжалик мутахассислари, илмий ходимлар ва Ўзбекистон ипакчилик саноатининг вакиллари Тошлоқ районидаги Сталин номли колхоз клубида тўпландилар.

Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министри М. Муҳамаджоновнинг кириш нутқи, асосан, енгил саноатнинг ипак хомаш'ёсига бўлган эҳтиёжларининг ўсиши муносабати блан партия ва ҳукумат томонидан қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари олдига қўйилган вазифаларга бағишланган эди. Ўзбекистон колхозлари ва совхозлари агротехника даражасини ошириш йўли блан бу йилги мавсумда пилла етиштиришни ўтган йилги даражага нисбатан 70—75 процент оширишлари лозим.

Агар совет ва қишлоқ хўжалик органлари орқада қолаётган барча колхозларга қурт боқишнинг Сталин мукофоти лауреатлари Ҳурмат Тешаева ва Олияхон Султонова томонидан ишлаб чиқилган жадал усулларини ишлабчиқаришга кенг жорий қилиш йўли блан илғорлар даражасига етиб олишда ёрдам берсалар, у вақтда бу вазифа муваффақиятли ҳал қилинади. Ўзбекистондаги ҳамма колхозлар бу йилги мавсумда ана шу прогрессив агротехника усулига ўтишлари лозим.

Кенгашда ишлабчиқариш илғорлари, олимлар, тайёрлаш системаси ходимлари доклад қилдилар.

Тошлоқ районидаги Сталин номли колхознинг раиси Р. Тўхтабоев биринчи бўлиб сўз олади. Ўртоқ Тўхтабоев колхозларда хўжаликнинг барча тармоқларини, жумладан пахтачилик блан пиллачиликни тўғри боғлаб олиб бориш зарурлиги ҳақида гапиради. Хўжалик тармоқларини ана шундай боғлаб олиб борганда бутун жамоат хўжалигида муваффақиятларга эришиш мумкинлигини Сталин номли колхознинг ин тажрибаси кўрсатади. Ўтган йили бу колхоз 1775 гектар ернинг ҳар гектаридан 30,8 центнердан пахта ҳосили ва ҳар кути қурт уругидан 75 килограммдан пилла олди. Бу эса колхозга жам'и 19 миллион сўм даромад олиш имконини берди, бу даромаднинг 2,7 миллион сўми пиллачиликдан олинди. Колхоз правлениеси хўжалик ишларини тўғри олиб бориш учун иш графигига қаттиқ риоя қилади, бу графикда пахтачилик эҳтиёжлари ҳам, пиллачилик эҳтиёжлари ҳам ҳисобга олинган.

Самарқанд районидаги Каганович номли колхоз раиси Ф. Қосимова озуқа базасини вужудга келтириш тўғрисида гамхўрлик қилиш — пиллачиликда муваффақиятга эришиш гарови эканлиги тўғрисида гапирди. Колхозда катта массивларда тутзорлар барпо қилинган. Тут дарахтларининг қатор оралари машиналар блан систематик суратда ишланмоқда. Куз пайтида тутзорлар ҳайдалади ва ерга ғўғит солинади. Шундан кейин, бегона ўтларни йўқотиш учун қатор оралари чизель блан икки-уч марта юмшатилди.

Андижон область Булоқбоши районидаги Карл Маркс номли колхознинг тажрибакор пиллачиси Б. Эгамов тутзорлардан юқори ҳосил олиш ва тут кўчатлари етиштириш тажрибаси тўғрисида сўзлаб берди.

Фарғона область, Охунбобоев районидаги Ленин номли колхознинг дала мудири С. Охунбобоев эски тут дарахтлари ўрнига янги сортли серҳосил тут дарахтларини ўтқазиш тажрибасини айтиб берди. Ўртоқ Охунбобоев кам ҳосил берадиган тут дарахтларига сербарг дарахт қаламчаларини пайванд қилиш системасини ишлаб чиққан ва қўлланган.

Қурт боқишнинг жадал методлари тўғрисида Х. Тешаева ва О. Султоновларнинг докладларини кенгаш қатнашчилари зўр э'тибор блан тингладилар. Андижон область Сталин районидаги «Қизил юлдуз» колхозининг звено бошлиғи Б. Ёқубова пилла ўраш вақтидаги шароитни яхшилаш ва шу асосда пилла ҳосилини ошириш тажрибасини айтиб берди.

Шунингдек, кенгашда Хоразм область пиллачилик бошқармасининг бош агрономи Ўртоқ Мамиров, Ўрта Осиё Пиллачилик илмий-текшириш институтининг директори Ўртоқ Расулев, Самарқанд зотли пиллачилик станциясининг директори Ўртоқ Шальман, Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлиги Пиллачилик бош бошқармасининг бошлиғи Ўртоқ Нуриддинов ва бошқалар сўзга чиқдилар.

Кенгаш ишида Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг секретари Ўртоқ С. Камолов қатнашмоқда.

Меҳмонлар Сталин номли колхоз территориясида ташкил этилган виставкани кўздан кечирдилар, пиллачиликда қўлланилаётган энг янги машиналар ва илғор агротехника усуллари блан танишдилар.

Кенгаш ўз ишини давом этдирмоқда. (ЎзТАГ).

Меҳнаткашлар депутатлари Тошкент область Советига 1955 йил 27 февральда ўтказилган сайловнинг якунлари тўғрисида

Меҳнаткашлар депутатлари Тошкент область Советига сайлов ўтказган область сайлов комиссиясининг

АХБОРОТИ

1955 йил 27 февраль якшанба куни Тошкент областида меҳнаткашлар депутатлари область Советига депутатлар сайлови бўлиб ўтди.

Ҳамма жойда овоз бериш маҳаллий вақт блан эрталаб соат 6 да бошланди ва кечаси соат 12 да тамом бўлди. Меҳнаткашлар депутатлари Тошкент область Советига сайлов сиёсий руҳ гоят кўтарилган ҳамда сайловчилар жуда катта активлик ва уюшқоқлик кўрсатган вазиятда ўтди.

Область сайлов комиссияси меҳнаткашлар депутатлари Тошкент область Советига сайловнинг натижалари тўғрисида 236 округ сайлов комиссияларининг ҳаммасидан тўла ма'лумот олди. Барча сайлов округларида сайловчиларнинг жам'и сони 1.102258 киши бўлиб, меҳнаткашлар депутатлари Тошкент область Советига депутатлар сайлашда шулардан 1.102013 киши, ёки сайловчиларнинг жам'и сонига нисбатан 99,98 проценти овоз берди. Барча сайлов округларида коммунистлар блан партиясизлар блокининг кандидатлари учун 1.100251 сайловчи, ёки овоз беришда қатнашган сайловчиларнинг жам'и сонига нисбатан 99,84 проценти овоз берди. 1684 киши, ёки овоз беришда қатнашган сайловчиларнинг жам'и сонига нисбатан 0,15 процент депутатликка кўрсатилган кандидатларга қарши овоз берди. «Ўзбекистон ССР меҳнаткашлар депутатлари область, район, шаҳар, посёлка, қишлоқ (овул) Советларига сайлов тўғрисида Низом»нинг 100-нчи моддасига биноан 78 бюллетень бекор деб топилди.

Область сайлов комиссияси ҳарбир сайлов округига тегишли материалларни кўриб чиқиб, «Ўзбекистон ССР меҳнаткашлар депутатлари область, район, шаҳар, посёлка, қишлоқ (овул) Советларига сайлов тўғрисидаги Низом»нинг 29-нчи моддасига биноан барча сайлов округларида Тошкент область Советига сайланган депутатларни рўйхатга олди.

Сайланган депутатларнинг ҳаммаси коммунистлар блан партиясизлар блокининг кандидатларидир.

Меҳнаткашлар депутатлари Тошкент шаҳар Советига 1955 йил 27 февральда ўтказилган сайловнинг якунлари тўғрисида

Меҳнаткашлар депутатлари Тошкент шаҳар Советига сайлов ўтказган шаҳар сайлов комиссиясининг

АХБОРОТИ

1955 йил 27 февраль якшанба куни меҳнаткашлар депутатлари Тошкент шаҳар Советига ўтказилган сайлов натижалари тўғрисида 293 участка сайлов комиссиялари берган ма'лумотларга биноан округ сайлов комиссиялари томонидан тузилган ма'лумотларни шаҳар комиссияси 1955 йил 28 февраль эрталаб соат 6 да олди.

Участка сайлов комиссияларидан олинган ма'лумотларга кўра Тошкент шаҳар Советига депутатлар сайлашда рўйхатга олинган сайловчиларнинг умумий сонига нисбатан 99,98 процент сайловчи қатнашган.

Ҳамма 671 сайлов округларида сайловга қатнашган сайловчиларнинг умумий сонига нисбатан сайловчиларнинг 99,78 проценти коммунистлар блан партиясизлар блокининг кандидатлари учун овоз берди.

Тошкент шаҳар сайлов комиссияси «Ўзбекистон ССР меҳнаткашлар депутатлари область, район, шаҳар, посёлка, қишлоқ (овул) Советларига сайлов тўғрисида Низом»нинг 100-нчи моддасига биноан 79 бюллетеньни бекор деб топди.

Тошкент шаҳар сайлов комиссияси «Ўзбекистон ССР меҳнаткашлар депутатлари область, район, шаҳар, посёлка, қишлоқ (овул) Советларига сайлов тўғрисида Низом»нинг 45-нчи моддасига биноан ҳарбир сайлов округидан келган материалларни кўриб чиқиб, барча сайлов округларида Тошкент шаҳар Советига сайланган депутатларни рўйхатга олди.

Сайланган депутатларнинг ҳаммаси коммунистлар блан партиясизлар блокининг кандидатларидир.

Тошкент шаҳар Советининг сессияси

4 мартда Ўзбекистон ССР Олий Советининг Мажлислар залида меҳнаткашлар депутатлари бешинчи чақириқ Тошкент шаҳар Советининг биринчи сессияси бўлиб ўтди.

Сессияни энг кекса депутат — гишт заводлари 5-нчи группасининг директори А. Хусанов очди.

Сессиянинг раиси қилиб депутат М. Абдуразоқов, секретари қилиб депутат И. Н. Дмитриева сайланади. Мандат комиссияси ҳам сайланади.

Танаффуслан кейин Мандат комиссияси раиси А. А. Қодировнинг доклади тингланди. Ўртоқ Қодиров 27 февраль сайлов кунида Тошкент меҳнаткашлари ўзларининг бузилмас бирлигини, Коммунистик партияга ва Совет ҳукуматига чексиз муҳаббат ва садоқатларини янги куч блан намойиш қилдилар, деди. Тошкент шаҳар Советига сайлов ўтказилган 671 сайлов округининг ҳаммасида сайловчиларнинг кўпчилиги овоз беришда қатнашди. Депутатликка кўрсатилган кандидатлар учун сайловчиларнинг 99,78 проценти овоз берди. Сайланган депутатларнинг ҳаммаси коммунистлар блан партиясизлар блокининг кандидатларидир. Депутатлардан 258 киши хотин-қизлар, шу жумладан 143 киши ўзбек хотин-қизлари, 379 киши КПСС а'зоси ва КПСС а'золигига кандидат ҳамда 292 киши партиясиздир. 532 депутат олий, тамомланмаган олий ва ўрта ма'лумотга эгадир. Мандат комиссияси Тошкент шаҳар Советига сайлов бўйича шаҳар сайлов комиссияси томонидан ҳарбир депутат тўғрисида топширилган ҳужжатларнинг ҳаммасини текшириб чиқиб, сайланган депутатларнинг ваколатларини тўғри деб топди.

Сессия Мандат комиссиясининг докладини бир овоздан тасдиқлади.

Сессияда ташкилий масалалар кўриб чиқилди.

Шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси қилиб Х. И. Юсупова, раиснинг биринчи ўринбосари қилиб П. П. Федотов, раис ўринбосарлари қилиб М. Т. Турсунов, А. И. Коваленко, В. А. Косинов, шаҳар Совети ижроия комитетининг секретари қилиб Б. П. Парфенов сайландилар.

Сессия шаҳар Советининг ижроия комитетини Х. И. Юсупова, П. М. Сазонов, П. П. Федотов, М. Т. Турсунов, А. И. Коваленко, В. А. Косинов, Б. П. Парфенов, А. А. Қодиров, А. Н. Назиров, К. М. Мўминов, З. А. Вострокнутова ўртоқлардан иборат қилиб сайлади.

Сессия шаҳар соғлиқни сақлаш бўлимининг мудири қилиб А. Шомирзаевни, шаҳар молия бўлимининг мудири қилиб А. И. Назировни, шаҳар маориф бўлимининг мудири қилиб А. Т. Тожиевни, маданият бошқармасининг бошлиғи қилиб Н. Я. Тожибоевни, ободончилик (коммунал хўжалик) бошқармасининг бошлиғи қилиб А. И. Коваленкони, шаҳар савдо бўлимининг бошлиғи қилиб К. М. Мўминовни, шаҳар социал та'минот бўлимининг мудири қилиб Х. И. Усмоновани, маҳаллий саноат ва ёқилғи саноати бошқармасининг бошлиғи қилиб В. Ф. Тарасовани, шаҳар ижроия комитетининг раиси ҳузуридаги кадрлар секторининг мудири қилиб Х. Шофайзиевани тасдиқлади.

Шаҳар Советининг қуйидаги 13 доимий комиссияси тузилди: маҳаллий ва кооператив саноати комиссияси — раиси К. Е. Мясников; халқ маорифи комиссияси — раиси М. Шарипова; соғлиқни сақлаш комиссияси — раиси М. Х. Ҳошимов; уй-жой комиссияси — раиси З. С. Туренко; қурилиш комиссияси — раиси П. Л. Харитонов; энергетика комиссияси — раиси А. К. Мартинов; савдо комиссияси — раиси Н. С. Борисенко; бюджет-молия комиссияси — раиси И. Г. Новиков; транспорт ва алоқа комиссияси — раиси Д. И. Мангельдин; мудофаа-физкультура комиссияси — раиси В. Н. Сикачинский; ободончилик комиссияси — раиси Л. И. Бобович; маданият комиссияси — раиси М Муҳамедов; социал та'минот комиссияси — раиси В. В. Яворский. (ЎзТАГ).

Мехнаткашлар депутатлари Тошкент область Советига сайланган
ДЕПУТАТЛАРНИНГ РЎЙХАТИ

Зияев Нуʻмон — 1-нчи Ленин округи.
Миродилов Мирфозил — 2-нчи Темирйўл округи.
Федотов Владимир Викторович — 3-нчи Полтарацкий округи.
Скорова Анна Матвеевна — 4-нчи Андреев округи.
Горбунов Виктор Петрович — 5-нчи Будённий округи.
Субботин Никита Егорович — 6-нчи сайлов округи.
Григорьева Фаина Васильевна — 7-нчи Қизил-Арват округи.
Шустова Нина Федоровна — 8-нчи Оборонний округи.
Йўлдошев Аʻзам — 9-нчи Першин округи.
Парамошкин Иван Матвеевич — 10-нчи Пионер округи.
Морозов Александр Иванович — 11-нчи Пролетар округи.
Шибалин Иван Андреевич — 12-нчи Красно-Восточний округи.
Федоров Вениамин Иванович — 13-нчи Фрунзе округи.
Казакова Ҳафиза — 14-нчи Стаханов округи.
Раҳматуллаев Убай — 15-нчи Педагогический округи.
Улжабоев Қурбон — 16-нчи Дзержинский округи.
Олимов Ориф Олимович — 17-нчи Заводской округи.
Абдураззоқов Малик Абдураззоқович — 18-нчи Тўқимачилик округи.
Гудович Афанасий Аламович — 19-нчи Сталин округи.
Гостев Александр Георгиевич — 20-нчи Муқимий округи.
Архипов Василий Сергеевич — 21-нчи Октябрь 30 йиллиги округи.
Ражабова Хурсанд — 22-нчи Колхоз округи.
Одилов Солих — 23-нчи Герцен округи.
Болтабоев Муҳаммадамин — 24-нчи Совет округи.
Камолов Собир — 25-нчи Бешёғоч округи.
Рашидов Шараф Рашидович — 26-нчи комсомол округи.
Тожиева Халича Аʻзамовна — 27-нчи Тошкент округи.
Косимова Шафоат — 28-нчи Большевик округи.
Степовая Валентина Степановна — 29-нчи Димитров округи.
Акрамов Ислом Акрамович — 30-нчи Ульянов округи.
Ғуломов Ҳолмирза Ғуломович — 31-нчи Ўзбекистон округи.
Исматова Нури — 32-нчи Горький округи.
Есенбоев Зиёд Исломович — 33-нчи Молотов округи.
Бирюков Иван Матвеевич — 34-нчи Октябрь округи.
Орипова Солиха — 35-нчи Ҳамза округи.
Болтаева Икрома — 36-нчи Свердлов округи.
Ҳидоятова Севар — 37-нчи Жданов округи.
Арнаутов Иван Радионович — 38-нчи Шверник округи.
Кенжаев Умар — 39-нчи Мичурин округи.
Шарафуддинов Оқил — 40-нчи Нариманов округи.
Розиқов Исмоил — 41-нчи Собир Раҳимов округи.
Аҳмедова Унсин — 42-нчи Фурмонов округи.
Кожан Николай Федорович — 43-нчи Красноармейск округи.
Исломов Шамсиддин — 44-нчи Москва округи.
Саматова Ҳолида Саматовна — 45-нчи 5-Декабрь округи.
Эшонхўжаева Зарифа — 46-нчи Микоян сайлов округи.
Мухиддинов Нуриддин Акрамович — 47-нчи Сталинград округи.
Стажило Анатолий Леонтьевич — 48-нчи Навоий округи.
Вихров Василий Ионович — 49-нчи Гвардия округи.
Гулмухамедова Башорат — 50-нчи Крупская округи.
Нормухамедов Мамадали — 51-нчи Маяковский округи.
Мельников Роман Ефимович — 52-нчи Киров округи.
Ўрмонова Ҳайри Ўрмоновна — 53-нчи Чапаев округи.
Попов Борис Вениаминович — 54-нчи Щербаков округи.
Исломова Сохиба — 55-нчи Чкалов округи.
Усмонов Жўра — 56-нчи Обсерватория округи.
Ҳошимов Бурҳон Илʻёсович — 57-нчи Белинский округи.
Умарова Охиниса — 58-нчи Каганович округи.
Аҳмедова Ойша — 59-нчи Энгельс округи.
Стикайло Василий Никифорович — 60-нчи Магнитогорск округи.
Юсупова Шарифа — 61-нчи Куйбишев округи.
Орифхонова Маʻпура — 62-нчи Калинин округи.
Юсупов Мустақим — 63-нчи Ворошилов округи.
Умаров Зокир Зуфарович — 64-нчи Паркент округи.
Ширягин Николай Игнатьевич — 65-нчи Воровский округи.
Ниёзов Амин Эрматович — 66-нчи Сельмаш округи.
Шокуров Иван Сергеевич — 67-нчи Фительский округи.
Мухиддинов Фахри Иброҳимович — 68-нчи Жуковский округи.
Сергеев Павел Иванович — 69-нчи Тельман округи.
Санников Иван Павлович — 70-нчи Пушкин округи.
Сафонов Константин Федорович — 71-нчи Невский округи.
Хамидов Носир — 72-нчи Папанин округи.
Егоров Владимир Алексеевич — 73-нчи Марказий округи.
Абдурасулева Амина Раҳимовна — 74-нчи Абдулла Тўқаев округи.
Аминов Усмон — 75-нчи Победа округи.
Житов Константин Евлантиевич — 76-нчи 1-нчи Май сайлов округи.
Толипов Ғулом Солиҳович — 77-нчи Готоль округи.
Данилина Клавдия Михайловна — 78-нчи Эҳунбобоев округи
Прокошина Нина Ильинична — 79-нчи Ленинград округи.
Бродова Анна Ивановна — 80-нчи Академик округи.
Матвеев Борис Николаевич — 81нчи Тарас Шевченко округи.
Эльчибеков Яков Карпович — 82-нчи Карл Маркс округи.
Саломова Шафоат Зиёвна — 83-нчи Чехов округи.
Виноградова Роза Георгиевна — 84-нчи Шахтёр округи.
Гриднев Афанасий Осипович — 85-нчи Гулистон округи.
Батигин Алексей Григорьевич — 86-нчи Социалистик шаҳарча округи.
Лисин Владимир Дмитриевич — 87-нчи Привокзал округи.
Бойматов Эрмат — 88-нчи Тешиктош округи.
Тошмухамедова Турсуной Лутфуллаевна — 89-нчи 1-нчи Май округи.
Ҳошимов Асқар — 90-нчи Красноармейск округи.
Тенишев Дианит Семонович — 91-нчи Куйбишев округи.
Утбосов Эламас — 92-нчи Сталин округи.
Мухамедов Вали Мухамедович — 93-нчи Тиллаус округи.
Ҳамраев Пирназар — 94-нчи Облиқ округи.
Меньшиков Михаил Иванович — 95-нчи Олмалиқ округи.
Тўхтаева Иқбол — 96-нчи Октябрь округи.
Қодиров Боту Зарифович — 97-нчи Ленин округи.
Иброҳимов Йўлдош — 98-нчи Комсомол округи.
Қаҳҳорова Санобар — — 99-нчи Пискент округи.
Сайидхонова Ҳолдорхон — 100-нчи Октепа округи.
Латипов Худоёр — 101-нчи Керовчи округи.
Усмонов Раҳим — 102-нчи Муротали округи.
Шкургин Анатолий Владимирович — 103-нчи Куйбишев округи.
Бердиқулова Робия — 104-нчи Ангор округи.
Йўлдошева Рихси — 105-нчи Пахтаобод округи.
Дях Сим син — 106-нчи Сталин округи.
Бердиев Олим — 107-нчи Тўйтепа округи.
Сотиболдиев Исмоил — 108-нчи Ленин округи.
Юнусов Иногом — 109-нчи Охунбобоев округи.
Эрматов Азим Мирзамович — 110-нчи Орджоникидзе округи.
Юсупова Ҳабиба — 111-нчи Свердлов округи.
Ким Чан-се — 112-нчи Қорасув округи.
Толипова Нафиса — 113-нчи Паркент округи.
Мақсудов Мунавар — 114-нчи Намданак округи.
Саʻдиева Миртожи — 115-нчи Чангиҳисор округи.
Усмонов Малали — 116-нчи Сталин округи.
Машкова Мария Дмитриевна — 117-нчи Ленин округи.
Жонзақов Синдибой — 118-нчи Жумабозор округи.
Ким Дмитрий Александрович — 119-нчи Боронқўл округи.
Абдуллаев Саʻдулла — 120-нчи 1-нчи Май округи.
Романовский Вячеслав Михайлович — 121-нчи Сурангент округи.
Носирова Ҳабиба — 122-нчи Темирйўл округи.
Сайдалиев Мурод Сайдалиевич — 123-нчи Химзавод округи.
Адаменко Григорий Леонтьевич — 124-нчи Марказий округи.
Худойберганов Йўлат — 125-нчи Ленин округи.
Севумян Андрей Александрович — 126-нчи Ворошилов округи.
Лиморева Анна Афанасьевна — 127-нчи Комсомол округи.
Завьялов Виктор Васильевич — 128-нчи Молотов округи.
Эрматова Зуҳра — 129-нчи Киров округи.
Исломов Убайдулла — 130-нчи Куйбишев округи.
Хорев Геннадий Константинович — 131-нчи Дўрмон округи.
Нурматова Ўғил — 132-нчи Қибрай округи.
Юсупова Қорақиз — 133-нчи Чинобод округи.
Телятников Иосиф Антонович — 134-нчи Байтқўрғон округи.
Афзалов Ориф Афзалович — 135-нчи Троицкий округи.
Новосельцев Петр Андреевич — 136-нчи Орджоникидзе округи.
Березин Виктор Васильевич — 137-нчи Горький округи.
Азизов Обид Тўрахўжаевич — 138-нчи 1-нчи Қўйлиқ округи.
Эрматов Нурмат Ҳолматович — 139-нчи 2-нчи Қўйлиқ округи.
Романов Николай Трифонович — 140-нчи Қизил Ўзбекистон округи.
Бобоев Файзулла — 141-нчи 1-нчи Қорасув округи.
Авдонькин Николай Никитович — 142-нчи 2-нчи Қорасув округи.
Тожибоев Ҳожибой — 143-нчи Жамбул округи.
Нормуҳамедов Туроб — 144-нчи Ленин округи.
Қамбарова Амина — 145-нчи Ўзгариш округи.
Ипатова Людмила Яковлевна — 146-нчи Сталин округи.
Бицко Федор Павлович — 147-нчи Ворошилов округи.
Ғафуров Қодир Ҳасанович — 148-нчи Калинин округи.
Назарова Ойтўти — 149-нчи Ленин округи.
Султонов Тожибой — 150-нчи Молотов округи.
Ғуломов Маннон — 151-нчи Келес округи.
Полвонов Илʻёс Акрамович — 152-нчи Ленин округи.
Асилов Ғаффор — 153-нчи Охунбобоев округи.
Дорофеев Василий Илларионович — 154-нчи Қатортол округи.
Абдуллаева Қумри Абдуллаевна — 155-нчи Чоштепа округи.
Носиров Ҳайрулла — 156-нчи Фрунзе округи.
Бобожонова Мукаррам — 157-нчи Темирйўл округи.
Андрюшин Константин Васильевич — 158-нчи Янгийўл шаҳар округи.
Обидхонова Солиха — 159-нчи Октябрь округи.
Вавилова Мария Семеновна — 160-нчи Завод округи.
Маҳкамбоева Тўхтахон — 161-нчи Сталин округи.
Сайидова Саломат — 162-нчи Свердлов округи.
Мусаев Убайдулла — 163-нчи Куйбишев округи.
Одилова Ойбуви — 164-нчи Ниёзбоши округи.
Ниёзов Назарали — 165-нчи Калинин округи.
Скляров Анатолий Николаевич — 166-нчи Халқобод округи.
Сафаров Жўра — 167-нчи Эски Тошкент округи.
Шмалев Дмитрий Иванович — 168-нчи Эски Қовунчи округи.
Паллюнина Анна Дмитриевна — 169-нчи Киров округи.
Муҳамедов Эргаш — 170-нчи Андреев округи.
Йўлдошев Илʻёс Рустамович — 171-нчи Вревский округи.
Александрова Вера Федоровна — 172-нчи Ворошилов округи.
Имомжонова Мубор — 173-нчи Яллама округи.
Қолдибоев Оқимбек — 174-нчи Чиноз округи.
Норматов Бозорбой — 175-нчи Йўлтушган округи.
Картамишева Просковья Захаревна — 176-нчи Ворошилов округи.
Мирхонов Абдураҳим — 177-нчи Гул округи.
Мирзаева Қамбар — 178-нчи Кўрғончи округи.
Мерганов Маҳкам — 179-нчи Кетмонтепа округи.
Салмина Надежда Кузьминична — 180-нчи Қизил Октябрь округи.
Ким Ир — 181-нчи Тошовул округи.
Оталиқов Кимсанбой — 182-нчи Марказий округи.
Юнусов Мадрайим — 183-нчи Алимкент округи.
Одилова Ҳакима — 184-нчи Куйбишев округи.
Усмонов Обид — 185-нчи Октябрь округи.
Бороненко Вера Степановна — 186-нчи 1-нчи Сталин округи.
Мирзаев Ҳамдам — 187-нчи 2-нчи Сталин округи.
Пирназаров Саттор — 188-нчи Қорақўйли округи.
Молчанов Дмитрий Матвеевич — 189-нчи Сталин округи.
Маҳкамов Абдуқодир — 190-нчи Каганович округи.
Орипов Ҳикмат — 191-нчи Ленин округи.
Мирзажонов Адҳам — 192-нчи Оқтепа округи.
Ражева Ксения Александровна — 193-нчи Сирдарʻё округи.
Муҳиддинов Собир — 194-нчи Калинин округи.
Убайдуллахўжаев Асад — 195-нчи Чортўқай округи.
Маманов Жуман — 196-нчи Орлов округи.
Рауфов Муроз — 197-нчи Ленинобод округи.
Иброҳимов Исмоил — 198-нчи Малик округи.
Пискорский Яков Николаевич — 199-нчи Верхне-волинск округи.
Расулев Аҳад Расулевич — 200-нчи Сталинобод округи.
Ражабов Турғун — 201-нчи Чкалов округи.
Маҳкамова Қамар Маҳкамовна — 202-нчи Мирзачўл шаҳар округи.
Жунайдуллаева Ҳакима Раҳматуллаевна — 203-нчи Пахта заводи округи.
Абдуллаев Мамазоқир — 204-нчи Ленин округи.
Камолиддинов Абдулҳақ — 205-нчи Меҳнатобод округи.
Олимов Анорбой — 206-нчи Орджоникидзе округи.
Брухтий Афанасий Деомидович — 207-нчи Октябрь округи.
Книш Николай Селиверстович — 208-нчи Гулистон округи.
Тўрабеков Кўпай — 209-нчи Красноармейск округи.
Назаров Соҳиб — 210-нчи Сталинобод округи.
Мирзаматов Баннон — 211-нчи Металлургия округи.
Муҳамедов Иброҳим Файзиевич — 212-нчи Бекобод шаҳар округи.
Мамадалиев Акбар — 213-нчи Фарҳод округи.
Баринова Екатерина Владимировна — 214-нчи Цемент заводи округи.
Қодиров Ғанижон — 215-нчи Бекобод округи.
Ҳамроқулов Ҳайдарали — 216-нчи Пушкин округи.
Маҳмудова Холисхон — 217-нчи Калинин округи.
Ғаниев Салом Ғуломович — 218-нчи Дмитров округи.
Хамич Иосиф Прохорович — 219-нчи Далварзин округи.
Қобилов Ҳосил Раҳимович — 220-нчи Қорақўйли округи.
Ҳамроев Ҳамдам — 221-нчи Ховос округи.
Бяков Николай Иванович — 222-нчи Клуб округи.
Латипов Турсунбой — 223-нчи Марказий округи.
Маҳкамов Қўшоқ — 224-нчи Дмитров округи.
Соколов Борис Петрович — 225-нчи Ленин округи.
Жалилов Ҳаким Жалилович — 226-нчи 1-нчи Боёвут округи.
Бойботиров Иноят — 227-нчи 2-нчи Боёвут округи.
Тошматова Тожихон — 228-нчи 3-нчи Боёвут округи.
Мирдадаев Абдулла Мирдадаевич — 229-нчи Боёвут округи.
Добрянский Валериан Митрофанович — 230-нчи округ.
Бурцев Яков Александрович — 231-нчи округ.
Беглов Михаил Дмитриевич — 232-нчи округ.
Тимофеев Константин Михайлович — 233-нчи округ.
Година Владимир Петрович — 234-нчи округ.
Петрунина Евдокия Павловна — 235-нчи округ.
Котляр Петр Ефимович — 236-нчи округ.

Тошкентдаги сут комбинатининг диэтик цехи ҳар куни мингларча шиша юқори сифатли кефир тайёрлаб, шаҳар меҳнаткашларига жўнатмоқда. **Суратда:** цех бошлиғи **Е. С. Ганеева** (чапда) ва бракёр **М. Н. Шчербакова** кефирнинг сифатини текшириб кўрмоқдалар.

В. Салов фотоси.

ЯНГИ КИТОБЛАР

Узбекистон ССР Давлат нашриёти қуйидаги китобларни нашр этди:

Зафар Диёр. — **«Асарлар».** (Шеʻрлар, достон ва эртаклар. Мактаб кутубхонаси). 346 бет, тиражи 30.000, баҳоси 5 сўм 35 тийин.

Ҳаким НАЗИР. — **«Беш баҳо».** (Ҳикоялар. Кичик ёшдаги мактаб ўқучилари учун). 40 бет, тиражи 30.000, баҳоси 70 тийин.

Асқад МУХТОР. — **«Раҳмат, меҳрибоним».** (Шеʻрлар ва «Катта йўлда» поэмаси). 84 бет, тиражи 10.000, баҳоси 1 сўм 5 тийин.

В. Д. ЛАЙОК. — **«Илғор асаларичилар-нинг тажрибалари».** 50 бет, тиражи 10.000, баҳоси 70 тийин.

Н. К. СИМОНОВ ва **В. Т. КОРОЛЕНКО.** — **«Узбекистонда илғор ғаллакорлар тажрибаси»** 62 бет, тиражи 5.000, баҳоси 75 тийин.

М. КАММАРИ. — **«Халқ—тарих ижодчиси».** 64 бет, тиражи 20.000 баҳоси 80 тийин.

Саида ЗУННУНОВА. — **«Гуллар водиси»** (шеʻрлар). 62 бет, тиражи 10.000, баҳоси 85 тийин.

А. БУГЛАНОВ. — **«Қишлоқ район партия ташкилотининг янги шароитдаги ишлари»** (Фарғона область, Тошлоқ район партия ташкилотининг иш тажрибасидан). 38 бет, тиражи 10.000, баҳоси 40 тийин.

Г. А. ДИЛЕВСКИЙ. — **«Боғдорчилик ва токзорчилик»** (Тузатилган ва тўлдирилган иккинчи нашридан таржима). 274 бет, тиражи 10.000, баҳоси 5 сўм 50 тийин.

Узбекистон ССР ўқув-педагогика давлат нашриёти қуйидаги китобларни нашр этди:

«Узбекистон ССРда 30 йил ичида халқ маорифи» (1924 — 1954 йиллар), 136, бет, тиражи 10.000, баҳоси 5 сўм 65 тийин.

«Тил ва адабиёт ўқитучиларининг иш тажрибаларидан» 122 бет, тиражи 10.000, баҳоси 1 сўм 80 тийин.

А. Е. БИБИК. — **«Дунёʻё қитʻалари географиясини ўқитиш методикаси».** (Ўрта мактаб ўқитучилари учун қўлланма). 220 бет, тиражи 5.000, баҳоси 4 сўм 20 тийин.

Бадиий ҳаваскорлар кўригига тайёргарлик

Олимлар уйи ҳузуридаги турли тўгарак машғулотлари ҳаваскорларнинг актив иштирокида системали равишда ўтказилиб турипти. Тўгарак аʻзолари янги ашула, рақсларни ижро этиш ва турли спектакльларни саҳналаштириш билан тамошабинларга маданий хизмат қилаётирлар.

Шу кунларда коллектив Бутуниттифоқ кўригига атаб Афигеновнинг «Болаларнинг онаси» номли уч пардали пьесасини саҳналаштириш устида ишламоқда. Пьесадаги ашулаларни хор ва вокал тўгарагининг аʻзолари ижро этадилар. Улар ашулаларни ҳозирнинг ўзидаёқ ўрганиб олдилар. Драма тўгарагининг аʻзолари Чайковскийнинг «Евгений Онегин», «Пиковая дама» операларидан айрим парчалар тайёрламоқдалар.

Шунингдек хор тўгарагининг аʻзолари Бутуниттифоқ кўригига атаб рус ва ўзбек совет композиторларининг «Партия ҳақида ёшлар қўшиғи», «Ёшлик қўшиғи», «Ой, цветёт калина» каби бирқанча қўшиқларини ўрганаётирлар.

Ҳаваскорлик тўгараги раҳбарларига ёрдам

Алоқачилар клубида шаҳардаги саноат корхоналари, муассаса ва олий ўқув юртлари ҳузурида ташкил этилган бадиий ҳаваскорлик тўгараги раҳбарлари учун доимий лекторий ишлайбошлади. Лекторий Узсовпроф, республика халқ ижодий уйи томонидан ташкил этилиб, лекциялар ҳафтанинг ҳар сешанба кунлари ўқилади ва турли қисқа метражли кинофильмлар кўрсатилади.

Бу ерда СССРда музика маданиятининг ривожланиши ҳақида биринчи лекция ўқилди. Лекциядан сўнг Москва шаҳридаги бадиий ҳаваскор артистларнинг юксак санʻатини ифода этучи «Байрам кечаси» деган кинофильм намойиш қилинди.

Лекторий программасида музикани ўрганиш юзасидан қатор лекциялар бор.

ФЕЛЬЕТОН

Сўзсиз лекция

Раис блан ҳосилотнинг қовун пайровидаги аскиялари роса авжига чиққан — бухгалтер, ферма мудири, экспедитор уйни бошларига кўтаргудай шарақлашиб кулмоқдалар. Эшик «гит» этиб очилди, ичкарига кирган секретарь ғаштга пиёз тўғради. Қаҳқаха блан жаранглаб турган хонани сукут босди.

— Қосимака, — деди секретарь раисга қараб,—бир киши лекторман деб келди, менга раис ёки парторг керак, дейди.

Раиснинг баркашдай юзи бўш саночдай тиришиб кетди. Лунжи осилди. Стол устилаги дастурхонни «йиғиштир» дегандай ишора қилди. Экспедитор ўрнидан туриб чиқиб кетди. Ҳосилот, раиснинг юзидаги нохушлик аломатларини кўриб, лекция жерак эмаслигига ишонганидан, оёқ учи блан ер чизиб ўтираберди. Ферма мудирининг ҳузури бузилди, оёгини чўзиб, тиззасига тирсагини қўйди. Бухгалтер ортиқча харажатлар ҳақида, ўтган йили лекция ўқиш учун кетган пул тўғрисида шикоятомиз тўнғиллади.

Секретарьнинг хонасида ўтирган лектор бирдан раиснинг кабинетига кириб келди, Раис жойидан қўзғалмай лекторга семиз ва қалта қўлининг учинигина берди. Лектор ҳамма блан сўрашиб бўлгач, раиснинг ёнига ўтириб, рўмолчаси блан юзини артди. Раис лекторга сежингина «келинг» деб олгач, ҳосилотдан ўгитларнинг ташлипини суруштирабошлади. Ҳосилот калласини ердан кўтармай эринчоқлик блан «ташлаяпти» деди. Анча сукутдан кейин «яна 2 та арава керак» деб қўшиб қўйди. Бухгалтер қўлини иягига тираб сергак кўзларини лекторга тикиб ўтирди. Сукунатни лектор бузди.

— Биз желдик...

— Яхши, — раис анчагача тирноғига инламай тикилиб турғач, сўнг: — хизмат? — деди.

— Лекторман. Районга келган эдим, райондагилар сизнинг колхозингизга юборишди.

— Яхши, — раис яна узоқ жим қолди. Лектордан ҳам кўра бухгалтер раиснинг қандай жавоб беришини ошиқиб кутарди. — Нима ҳақда ўқийсиз? — ниҳоят сўради раис.

— Ростгўйлик ҳақида, — жавоб берди лектор. Бу мақал кўримсизгина бир йигит кириб келди ва эшик ёнидаги стулга ўтирди. Унга ҳеҳким илтифот қилмади.

— Ростгўйлик?!

— Шундай!

Раиснинг дами ичига тушиб кетди. Правардида:

— Бу ҳақда кечагина бир лектор келиб 3 жойда лекция ўқиб кетди-ку. Ҳадеб бир нарсани қайтаравериш...

Лектор ортиқча гапга ҳожат қолмаганини фаҳмлагач:

— Ундай бўлса, хайр — деди ва чиқиб кетди. Бухгалтер раиснинг усталигига жуда қойил қолганидан «бопладингиз» деди. Раис ҳам ўзининг усталигидан жуда мамнун бўлди. Раис юзидаги нохушлик аломатлар ўчди, чакаги очилиб кетди. Улар энди бир лекторнинг «Одам-маймунидан пайдо бўлса, нега ҳайвонот боғидаги маймун шунча вақтдан бери одам бўлиб қолмайди», деган саволга жавоб бераолмай ялжайганини эслаб кулишди. «Ўзлари билмайди-ку» дейишди. Бу ҳангама анча давом этди.

Шу вақт раиснинг столи устидаги 3 та телефон аппаратдан ўртадагиси жиринглади (бошқалари ишламайди. Ахир катта идораларда шунақа 3—4 та телефон бўлади-да). Раис катталарга хос мағрурлик блан трубкани олиб, креслога суянди. Унинг юзи минг мақомда ўзгарди. Олдин юзида жиддий аломатлар чизиги кўринди, сўнгра улар ўзгариб, хуш табассум барқ уриб кетди.

Телефонда қишлоқ советининг раиси «биров келди» деган бўлса керак, раис у блан қуйидагича гаплашди: «Ким экан? А, мухбир дейсизми, илгари танирмидингиз? Шундайми, кўрмаганман денг, ўзи нима масалада келипти? Мени бор деб айтдингизми, йўқ деб айтдингизми? Эй... чажки қипсиз. Шуларга унча хушим йўқ». Бирдан телефон ишламай қолди. Раис телефон қулоғини бураёбошлади. У қалдири ростлаш. Одатдан ташқари ясама мулойимлик блан жуда юмшоқ қилиб «алло» деди. «Алло» деганда унинг оғзидан гўё бол томгандай бўлди. Лекин ҳамон телефон ишламас эди.

— Бор, — деди раис секретарьга, бирдан қўпол оҳангда. — Коммутатордан хабар ол, нимага телефон ишламайди?!

Секретарь шошиб чиқиб кетди. Оқсоқол (қишлоқ советининг раиси) кирди.

— Нега жавоб бермайсиз, мен ҳадеб сизга жирингланиб ётибман. Меҳмон қани?

Оқсоқол раис қаршисида ўтирган ҳалиги кўримсизгина йигитни кўрсатди.

— И-е... и-е? Шунақами? Келсинлар, келсинлар, нечук... Бизнинг колхозга ҳам мухбирлар йўқлаб келар экан-ку, хайриятхайрият. Энди хари-пари синдириб юборсак ҳам бўлар экан. Танимаганимни қаранг-а. Мен сизни кунда келиб-кетадиган одамларнинг биттасидир-да, деб ўйлабман. Ким билан дейсиз, пешоналарингга мухбир деб ёзиб қўйилмас экан, — раис сўнгги гапни аскияомуз гапириб, орқасидан шарақлаб кулди. Боятдан бери жим ўтирган йигит ниҳоят тилга кирди. Олдин у, МТС зонаси бўйича райком секретари блан далани айланиб чиққанини, дала шийпонларида бўлганини, колхозчилар блан суҳбатлашганини, ҳатто клуб биносида ўгит сақланаётганлигини билиб олганлигини ҳам айтди. Сўнг:

— Мен колхоздаги оммавий-сиёсий ишлар блан, дала ишларининг бориши блан танишмоқчиман, — деди.

Раис дала ишлари тўғрисида шошиб ган бошлаган эди, йигит бу ҳақда қишлоқ советининг раиси блан ҳам гаплашганини айтди, фақат лекция ўқиш юзасидан тузилган шартнома блан ўқилган лекцияларнинг путёвкасини сўради. Раис бухгалтерга қаради. Маʻлум бўлишича, бу йил шартнома ҳам тузилмаган, бирорта лекция ҳам ўқилмаган экан.

Раис олдин ўзининг устомонлигидан мамнун бўлган бўлса, энди бу йигитнинг ўзидан ҳам усталигига қойил қолди. Хижолат бўлганидан кўзини қаерга яширишни билмас эди. У ҳозир шу йигитнинг енгидан кириб ёқасидан чиққиси, иш қилиб юз беришы мумкин бўлган кўнгилсиз ҳодисанинг олдини олгуси келарди. Йигит район Маданият бўлимидагиларнинг «Бу раис жуда қўпол, ўлгунча лаганбардор, лекторларни ёмон кўрали, ким борса «шу ҳақда кеча лекция бўлди» деб қайтариб юбораберали», деган сўзларини эслаб ўтирар эди. Йигит раснинг қўполлигига ишонди-ю, лекин қўпол одам лаганбардорлик қилолмаса керак, деб ўйларди. Раис юзларидан нур ёғиб, йигит атрофида парвона бўлабошлади. Йигит нима деса раис дархол оқсоқолга қараб, унинг гапга усталигини, чечанлигини, гапирганда ҳам гапни жуда илдизли қилиб гапиришини қайта-қайта таʻкидлади қойил бўлиб, кулганча калласини чайқар эди. У, шу блан йигитни эритмоқчи бўларди.

— Оббо сиз-ей, роса пихингизни ёрган йигит экансизда,—устаси фаранг экансиз. — деди оқсоқолга қараб, — бу киши денг, индамасдан кириб ҳамма гапни билиб оптилар, даламизга чиқиб кептилар, усталиқчи қаранг... Буларга ҳеч гараф йўқ... Энди бизнинг колхозга бир оталик қиласиз, — деди ва йигитнинг елкасига аста қоқиб қўйди.

Йигит раисга қаради.

— Мен бу ерга ростгўйлик ҳақидаги лекцияни тинглагани келган эдим. Шу лекция жуда мароқли ўтди, — деди йигит ва кўзғолди. Йигит раснинг шунча илтимосига, қайта-қайта қилган таклифига қарамай оқшатга ҳам турмади, жўнаб кетди.

Раснинг таʻби тоза хира бўлди. Йигитнинг «ростгўйлик ҳақидаги лекция жуда мароқли ўтди» деган гапини эслаб, кесатишини қаранг-а, «ўтмаган лекция ҳам мароқли бўладими?» деб қўйди. Бироз туриб ўз фикрига ўзи қарши чиқди. «Рост,— деди у ўзига.—Йигит менга «сўзсиз лекция» ўқиб кетди. Ростдан ҳам устаси фаранг экан». Шу раиста ростгўйлик ҳақида берилган катта сабоқ бўлди. Бу ҳодиса энди унинг эсидан сра чиқмайди. Шундан бери оғзи сал ёлғонга жупланса, эсига мана шу сўзсиз лекция тушадиган, дарҳол гапни рост томонга буриб юборадиган, бу ҳақда бирор нарса чиқиб қолармикич, деб газеталарни титкилаб ўқийдиган бўлиб қолди.

Босит ХАЛИЛОВ.

Район маданият уйида

Фрунзе районидаги Маданият уйининг коллективи район меҳнаткашларига маданий хизматни тобора яхшилаш юзасидан қатор тадбирларни амалга оширмоқда. Маданият уйидаги бадиий ҳаваскорлик тўгарагига Сталин номидаги тўқимачилик комбинати, «Таштекстильмаш» заводи, педагогик институти ва райондаги бирқанча ташкилот, муассасалардан юздан ортиқ киши иштирок этмоқда.

Бу ерда турли тўгараклар ва ҳаваскорлар сони кун сайин кўпайиб бермоқда. Ҳозир адабиёт, рақс, хор, вокал ва қўл ҳунарини ўрганиш тўгараклари ташкил этилиб, яхши ишлаб турипти. Ўтган йили тўгарак аʻзолари «Узбексельмаш», «Таштекстильмаш», гишт-черепица заводлари, пойафзал фабрикаси клубларида корхона ишчи, хизматчилари учун 80 дан ортиқ концерт берди.

Маданият уйининг бичиш-тикиш ҳунарини ўрганиш тўгарагини 1954 йил ичида 600 дан ортиқ хотин-қиз битириб чиқди. Тўгаракда таʻлим олган Галина Васильева ҳозир Самарқанд шаҳрида бичучи бўлиб ишламоқда ва бичиш-тикиш тўгарагида раҳбарлик қилаётир. М. Маҳкамова «Швейпромкомбинат»да мастер бўлиб ишламоқда. Маданият уйининг бичиш-тикиш тўгараги Рига, Киев шаҳарларидаги модельлар уйи блан яқиндан алоқа қилиб турипти.

Тўгарак аʻзоларига турли темаларда лекциялар ўқиб бериш ҳам яхши йўлга қўйилган. Шаҳар лекция бюросининг лектори Ўртоқ Эшонхўжаев «Меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш ва кишилар онгидаги капиталистик сарқитларга қарши кураш», ўртоқ Исломов эса «Ислом динининг реакцион моҳияти» деган темаларда тўгарак аʻзоларига лекция ўқиб бердилар.

ТуркВО театрининг бадиий раҳбари Ўзбекистон ССР халқ артисти Ладигин ва шаҳар лекция бюросининг лектори К. Коньков ўртоқлар томонидан «Совет санʻати дунёда энг илғор санʻатдир», «Дўстлик ва ўртоқлик», «Совет кишиларининг маʻнавий қиёфаси» деган темаларда ўқиган лекциялари жуда қизиқарли ўтди. Бадиий ҳаваскорларга музика ва ноталар назариясини ўргатиш юзасидан қисқа муддатли курс ташкил этилди.

Шу кунларда бадиий ҳаваскорлар Бутуниттифоқ кўригига катта тайёргарлик кўрмоқдалар.

З. СТЕПАНОВА.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» МАТЕРИАЛЛАРИ ИЗИДАН.

„Магазин қачон қурилиб ишга туширилади?“

Киров район Молотов ва Янгиариқ кўчаларининг бурчагидаги янги озиқ-овқат магазини бинесини қуриш ишлари судралиб кетгани газетанинг 12 январь сонида юқоридаги сарлавҳа блан чиққан хабарда кўрсатилган эди.

Тошкент шаҳар ижроия комитети савдо бўлимининг мудири Ўртоқ Мўминовнинг редакцияга хабар қилишича, меҳнаткашлар депутатлари Киров район Совети ижроия комитети магазинни яқин кунлар ичида битказиб, Киров райпищеторгига ўтказишни ремонт-қурилиш конторасы бошлиғи Ўртоқ Мироновга топширгган.

ЯЙЛОВЛАРДА МОЛ БОҚИШНИ ТУБДАН ЯХШИЛАЙЛИК!

А. ШЕРИКБЕКОВ
Янгийўл районидаги Ленин номли колхознинг энг яхши чўпони.

КПСС Марказий Комитетининг январь Пленуми аҳолининг ўсиб бораётган талабларини қондирмоқ учун чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни анча кўпайтириш вазифасини қўйди. Илғор чорвадорлар партия Марказий Комитети Пленумининг қароридан илҳомланиб, сигирларни қўлда боқишга ўтказмоқдалар ва уларнинг маҳсулдорлигини ошираётирлар. Шунингдек, областимизнинг Келес массивидаги чорвадорлар ҳам молларни яйловда боқишни яхши йўлга қўйиб, Пленум қарорига амалий иш блан жавоб бермоқдалар.

Қуйида биз Келес массивидаги чорвадорлар ҳақида материал босаётирмиз.

ЯЙЛОВДА

А. МОМОНОВ
Ўзиюрар пичан ўриш агрегатининг илғор машинисти.

Йўл хотиралари

Чарақлаб, ўзгача яшнаб турган февраль ойининг охирги кунларидан бири. Кўйнинг хаётбахш ёғдуси илк баҳор нафасини келтирабошлаган, Куннинг тантини кўтариб ёқимли, муздаккина қир шабадаси эсмоқда. Сузиб юрган майда-майда оппоқ булут парчалари шишадек кўмкўк осмоннинг губорини тозалаётгандай... Ён-теварагимиз ястаниб ётган кенг води. Қайси томонга қараманг туя ўркачига ўхшаш паст-баланд тепаликлар...

Тепткис катта қир йўлдан ғизиллаб бораётган машина Ширинқудуқ деган жойдан ўтгач, Қизтўш томонга бурилди. Кўзўнгимизда ажойиб манзаралар намоён бўлади. Алимтовнинг қор блан қопланган кумушранг чўққиси қуёш нурида товланиб турипти. Тог томондан эсаётган шамол бултургидан қолган, илдизи бўш ўтларни учириб ўйнайди ва пастқам жойга келтириб тўплайди. Хали у қадар бўй чўзмаган бўлса ҳам, паст-баланд тепаликлар ва қир ёнбағирларини калин майса босиб ётарди. Қўй ейдиган филтон блан миқжувсан сингари ерга ёпишиб ўсадиган эски ўтлар ҳам онда-сонда кўзга ташланади.

Манзилга яқинлашган сари манзара ўзгарборарди. Йўлнинг чап томонидаги тепаликлардан бирида туриб олиб, қўй-эчкисини кузатаётган ёшгина бир чўпон йигит худди бепоён ўлкани кўздан кечириб турган зийрак соқчига ўхшайди. Йигит ўз қўй-эчкилари учун ён-теварақдан серўт яйлов қидираётган бўлса керак, ҳайтовур ўнг қўлини пешонасига соябон қилиб узоқларга тикиларди.

Қишловга яқинлашиб қолганимизда рўпарамизда нор туядек чўққа тушган тик тепаликка дуч келдик.

— Мана шу ловонда ошсак сал юриб манзилга етамиз, — деди ҳамроҳлардан бири.

Тепаликни тик кесиб йўл тушган. Ана шу йўлдан оғир юк машинаси шиддат блан баландликка кўтарилди. У баландликка чиқиб олгач, гўё нафасини ростлагандай юришини секинлатди. Сўнгра бир силкиниб жойидан қўзғалдида, яна йўлида давом этди. Баландликда ўтирган бургут атрофига аланглаб олгач, парвозга тайёрлардида қанотини қоққанича учиб кетди ва бир зумда кўздан ғойиб бўлди.

Шундай пайтларда дала-даштнинг гашти бошқача бўлади. Соф ҳавода тўйиб-тўйиб енгил нафас оласан, киши. Мана, қир ёнбағирларида тўда-тўда бўлиб сонсаноқсиз қўй-эчкилар ўтлаб юрипти. Кўклам ва ёз кезларида бир-бирларидан анча олис турадиган овуллар ҳам ҳозир яқин жойдаги қишловларга қўнғаналар. Бу ерда кўпгина колхозларнинг қиш учун йилдатига қараганда кўпроқ пичан тайёрлаганликлари сезилиб турипти. Нечаки, пичан гарамлари ҳарер-ҳарерда уйилиб ётипти. Чўлдаги бугунги хаётни, табиатнинг рангбаранг гўзал манзараларини кўриб, уни бир умр эсда қолдиргинг келади.

Қўйчилик фермасида

Бирюз ўттиз километр келадиган масофани босиб ўтганимизда кейин, кун иккі тераж бўйи кўтарилиб қолганда Тошкент районидаги Молотов номли колхознинг қўйчилик фермасига етиб бордик. Чўпонлар қўнган жой уч овулдан иборат бўлиб, тик қоянинг остига ўрнашган эди.

Бу ердаги олтиқанотлик ўтовлардан бирида кекса чўпон Бакир Эшхўжаев, қолган иккитасида унинг катта ўғли Оббос ва ўртанча ўғли Файзихонлар яшайди. Бакирота шу колхознинг қўйчилик фермасида ўн йилдан буён бош чўпон бўлиб ишламоқда. Шу атрофдагилар орасида уни танимайдиган киши йўқ. Бу кекса чўпон ўз касбини жон-дилдан севади, қўй-қўзиларни алоҳида э'тибор блан парвариш қилади.

Тошкент районидаги Молотов номли колхоз ранси **Н. Сандов** (чапда) ва табельчи **О. Бакиров** ўртоқлар совлиқларни кўздан кечирмоқдалар

Бакирота бутун ишни болаларига ташлаб қўйиб, ўз ҳузурини кўзлайдиган ба'зибир одамлар тонфасидан эмас. у бу ердаги ҳарбир ишга бош-қош бўлади, ўзи аралашмаса ера кўнгли тинчимайди, қўйларни қайси фаслда қандай боқиш, қўзиларни парвариш қилиш ва ҳоказолар тўғрисида ёшларга йўл-йўриқлар кўрсатади, фермадаги ба'зи қамчиликлар ҳақида колхоз раҳбарларини ҳам огоҳлантириб туради. Шуниси ҳам борки, кези келганда ёнтеварақдаги бошқа колхозларнинг чўпонларидан ҳам ўз маслаҳатини аямайди. Шунга кўра яйловдагиларнинг каттаданкичиги Бакиротани самимий ҳурмат қилишади.

Ёши етмишлардан ошиб, соч-соқоли хила оқариб қолган барваста қоматли Бакирота афтидан, кўп нарсалардан хабардор кўринади. У ўз ўғиллари Оббос ва Файзихонлар блан биргаликда колхознинг бир кўра совлиқ қўйларини боқади ва қўзиларни сутдан чиккунча яхшилаб парвариш қилади. Ота ва унинг ўғиллари боқаётган қўйлар айниқса кузда бўрдоқи бўлади. Улар ҳарқандай об-ҳаво шароитида ҳам қўзиларни саломат сақлаб қоладилар. Бакирота қўй боқишни ўғилларига топшириб, ўзи кўпинча отга миниб, сер ўт яйловларни қилириб топади.

— Яйловнинг қиммати, — дейди Бакирота, — қўй боқишга қулайлиги ва унинг қўйни тез семиртирадиган ҳархил ўтларга серобдиги блан ўлчанади. Қўйларнинг эгиз туғиши ҳам шунга боғлиқ. Колхоз фермасининг кеча ва кундуз сурункасига боқилаётган қўйлари бу йил ҳам ҳар йилдагидек семиз ва соғлом. Қочириш кампаниясидан олдин қўчқорлар совлиқлардан ажратиб боқилади, уларга кучли ем бериб турилади. Ҳозир қўрадаги совлиқларнинг ҳарбирига 300 граммдан иккі маҳал кунжара ва бошқа ем бериб боқилмоқда. Шундай қилинганда қўзиларнинг соғлом туғилиши та'минланган бўлади ва совлиқ қўй касалга чалинмайди.

Шу кунларда Бакирота бир нарсага қаттиқ афсусланади. Ахир қўйчиликнинг қиммати фақат унинг сонини кўпайтириш блангина ўлчанмайлику. КПСС Марказий Комитети январь Пленумининг чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш тўғрисидаги қарори радио орқали эшитдирилган кун яйловда хаёт жуда жонланиб кетди. Чорвадорлар бу хушхабарни зўр э'тибор блан тингладилар. Бакирота ҳам приёмник ёнида ўтириб, дикторнинг дона-дона қилиб айтган сўзларини мамнуният блан эшитди. Пленум қарорида бу ердаги оддий кишилар ўйлаган фикрлар равшан баён этилган эди. Ўша кундан бошлаб кекса чўпоннинг хаёлини, айниқса майин жунли қўйларни кўпайтириш тўғрисидаги фикр чулғаб олди. У ўйчан кўзларини ҳаммага бир югуртириб чиқилда, гапга аралашди:

— Жайдари қўйларимизнинг ҳарбиридан йилига 800—900 граммдан ортиқ жун олаётганимиз йўқ. Ахир майин жунли қўйлардан 7—8 килограммдан жун олиш мумкин экан-ку! Орамизда «Бу қўйлар бизнинг иқлимимизга тўғри келмайди» деючилар ҳам кўп бўлди. Хато кетганимизни мана энди сезиб турибмиз.

Бакирота йўл қўйилган ҳарбир камчиликка танқидий назар блан қарар, бундай кезларда у ўз фикрини ана шундай қисқа ва лўнда қилиб гапириб қўяқолади. Яқинда чўпонлар ўзаро кенгашиб олганларидан кейин колхоз правлениеси олдига майин жунли қўйларни кўпайтириш ва 25 бош «Мериное» номли наслдор қўчқор олиш талабини қўйдилар. Чўпонларнинг талабига мувофиқ колхоз правлениеси бу йил совлиқларнинг ярмини «Мериное» номли қўчқордан сун'ий йўл блан кочиришни планлаштирди.

Озиқлик от ҳоримас

Колхоз қўйчилик фермасининг мудири Ҳошим Хамидов блан машина чорвачилик станциясининг трактарчиси Қобил Рахимбердиев ҳайдалган ерга дон сепиб бўлгач, кечки пайт овулга қайтишди. Бакирота уларни ўз ўтови олдида кутиб олди. Кечаси анча маҳалгача суҳбат давом этди. Чорва моллари учун ем-хашак тайёрлаш тўғрисида кўпроқ гапиришдилар. Бакирота иккі гаппинг бирида қўйларга ем бўладиган донни кўпроқ экиш тўғрисида қайта-қайта та'кидлаб гапирарди.

— Шундай ўтлим, — деди у ферма мудирига, — пичанни ҳам етарли тайёрлаш керак, у ўз йўли блан, лекин дон экканга не етсин, донда гап кўп. Ахир отабоболаримиз ҳам «Озиқлик от ҳоримас» деганлар. Ўриб оладиган тайёр пичан бор деб хотиржам бўлишдан ёмони йўқ. Қуруқ ем-хашак учун экилган галла майдони борона қилинмоқда.

Колхоз правлениеси айниқса Пленум қаророидан кейин чорвачилик блан жиддий шуғулланадиган бўлиб қолди. Қарор муҳокама қилинганидан кейин кўп ўтмасданоқ яйловга етарли миқдорда уруғлик дон жўнатилди. Яқинда трактор блан ҳайдалган 70 гектар ерга бугдой ва арпа сепилди. Эндиликда қўзилатиш кампаниясита катта тайёргарлик кўрилмоқда. Колхоз чорвадорлари бу йил ҳар 100 бош совлиқдан 130 талан қўзи олишга, урчитиш ишини намунали ўтказишга, қўйлардан олинадиган жун миқдорини оширишга, етарли миқдорда ем-хашак базаси яратишга қарор бердилар. Улар ўз мажбуриятларини шараф блан бажариш учун шу кунларда зўр гайрат блан ишламоқдалар, қўйларни семиртириб боқиш ва уларнинг маҳсулдорлигини ошириш йўлларини излаб топмоқдалар

Кенг ва сер ўт яйловларда қўйчиликни ривожлантириш учун катта имкониятлар ва битмас-туганмас резервлар бор. Брок ҳарқандай яхши ва қулай-табиий шароитда ҳам чўпонлардан ижодий ташаббус кўрсатиб ишлаш талаб этилади. Янгийўл районидаги Ленин номли колхоз чўпонлари ҳам ана шундай ижодий ташаббус кўрсатиб меҳнат қилмоқдалар. Колхознинг қўйчилик фермаси районда энг яхши фермалардан бири ҳисобланади. У ўтган йили 3000 га яқин қўйни, шу жумладан 1750 совлиқни қишдан соғ-саломат олиб чиқди. Тажрибали чўпонлардан Дормон Таттибеков ва Асилхон Эйбековлар бултур қиш хавоси ноқулай келишига қарамасдан ўз қўраларидаги 900 совлиқдан планда белгиланганидан ортиқ қўзи олиб, уларни яхшилаб парвариш қилдилар. Колхоз қўйчилик фермасида бу йилги қўзилатиш кампанияси ҳам муваффақиятли ўтказилди, 1400 бош совлиқ сун'ий йўл блан зотли қўчқорлардан қочирилди, Қиш учун 600 тонна пичан, 65 тонна арпа, жунжара ва бошқа ем бўладиган озуқалар тайёрланди. Пичан тайёрлашда механизациядан тўла ва унумли фойдаланилди.

Колхоз қўйчилик фермаси келгуси қиш учун ҳам ҳозирдан тайёрлик кўрабошлади. Пичанни қўклитида ўриб-йиғиб олиш учун 2 та сенокосилка ва грабил ремонт қилиб қўйилди. Ферма мудири ўртоқ Ил'ёс Сайдқосимов биз блан суҳбатда бундай дейди:

— Биз Пленум қарорига мувофиқ фермамизнинг ишини қайта қуриш ва қўй-эчкиларнинг зотини яхшилаш юзасидан қат'ий план ишлаб чиқдик. Қарордан руҳланган чорвадорларимиз қўйчилик ва бошқа чорва моллари учун мустаҳкам ем-хашак базаси яратишга қат'ий бел боғладилар. Шу муносабат блан биз ҳозирнинг ўзидаёқ 110 гектар ерни трактарда ҳайдаб, арпа экиб қўйдик. Сирдар'ё бўйидаги Қўздиқўл тўқайидан 20 гектар янги ер очиб, хашаки лавлаги ва маккажўхори экишни мўлжалладик. Фермамизда тажрибали чўпонлар, зоотехник ва ветврач ишлаб турибди. Биз бу имкониятлардан ўз вақтида унумли фойдаланганимиз ҳолда, чорвачиликни янада ривожлантириш ишига ўз муносиб ҳиссамизни қўшамиз.

Янги ҳаёт нишоналари

Ба'зан киши ҳаёлида тасаввур қилиб юрган нарса амалда тамоман бошқача бўлиб чиқади. «Чўл» деганимизда қуруқ дашт-биёбонлар, фақат мол боқиб умр ўтказиладиган паст-баланд тепаликлар кўз олдимизга келарди. Лекин биз ана шундай деб тасаввур қилган кечаги чўллар, кенг биёбонларда бугун ҳаёт қайнамоқда. Янги ҳаёт нишоналарини теварак атрофнинг ҳарбир жойида кўриш мумкин. Яйловда моторларнинг овози кеча-кундуз тинмайди. Унлаб кучли тракторлар асрлардан буён қақраб ётган чўл бағрини ёриб ағдар-тўнтар қилмоқда. Ҳозиргача бу ерларга сув чиқарилмаган бўлса ҳам, чорва моллари учун ем-хашак базаси яратиш мақсадида дон экилмоқда.

Бундан уч-тўрт йил илгари яйловда чўпонларнинг ҳар ер-ҳар ерга қўнган ўтовларидан бошқа деярлик ҳечнима йўқ эди. Ҳозир бу ерда янги типда солинган мактаб, чўпонлар учун уйлар ва иссиқ молхоналарни кўрасиз. Яйловнинг қоқ ўртасида ажойиб манзилгоҳ жой бун'ёдга келган. Унда чойхона, МЧС ишчилари учун ётоқхона, магазин, медпункт, алоқа бўлими, чўпонлар, трактарчилар ва ўтган-кетган йўловчилар дам оладиган, шахмат-шашка ўйнайдиган ва улар блан суҳбат ўтказиладиган алоҳида-алоҳида хоналар бор. 32 колхозга хизмат қилиб турган районлараро машина чорвачилик станцияси (МЧС) бўлимининг механизмлари, ёнилги ва запас қисмлари сақланадиган складлари ҳам шу ерда. Ильич нурлари бу ердан узоқ-узоқларни чарақлатиб қилиб турибди. Ёқимли музика садолари кенг яйловларда янада кучлироқ жарангламоқда. Сирдар'ё бўйидаги Қўздиқўл тўқайи, Бўзой, Тентаксой ва бошқа яйловларда мактаблар очилган. Уларда чорвадорларнинг юзлаб болалари ўқимоқда. Чўпонларга ойда иккі марта кинофильмлар кўрсатиб турилади, суҳбат ва лекциялар ўтказилади. Чорвадорлар тўғрисида қилинаётган бунчалик ғамхўрлик кишини ҳайратда қолдиради.

Калинин районидаги Молотов номли колхознинг қўй-эчкилари ҳам Бўзой яйловида қишлайди. Фермининг 5 минтта яқин қўйи бор. Қўйчилик фермасита коммунист Мирзакарим Присметов бошчилик қилади. Коммунистлардан Воҳид Исроилов зоотехник, Тўхтамурод Хусанбоев чорва бригадири бўлиб ишламоқдалар. Коммунистлар бошчилик қилаётган колхоз фермаси чорва моллари сонини ва уларнинг маҳсулдорлигини оширишда яхши натижаларга эришмоқда, молларни қишда тўла сақлаб қолишни та'миламоқда.

Яқинда райондаги 12 колхознинг чўпонлари ўртасида КПСС Марказий Комитети январь Пленумининг чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш тўғрисидаги қарори ишлаб чиқилди. Молотов номли колхоз чўпонлари «Победа Октября» колхозининг чорвадорларини мусобақага чақириб, бу йил ҳарбир совлиқдан 115 талан қўзи олиш, ўтган йилга нисбатан жун ҳосилини 30 процентга кўпайтириш, ҳарбир қўй қўраси бўйича ойда 4 марта зоотехминимум ҳақида суҳбатлар ўтказиш, жайдари қўйларнинг 70 процентини майинжунли «Мериное» қўчқорларидан қочириш ва қиш учун етарли миқдорда ем-хашак базаси вужудга келтириш мажбуриятини олдилар.

Тошкент районидаги Молотов номли колхоз чўпони **Бакирота Эшхўжаев** онласи бу йил 14 минг сўм пул даромади олди. **Суратда:** (чапдан ўнгга) **И. Бакирова, Б. Эшхўжаев, З. Файзуллаев, Ф. Бакиров** ўртоқлар.

Фойдаланилмаётган имкониятлар

Келес массивидаги бир-биридан унчалик олис бўлмаган Қурбонали, Бўзой, Тентаксой, Қумқудуқ ва бошқа серўт кенг яйловларда Тошкент областининг Чиноз, Янгийўл, Октябрь, Калинин ва Тошкент районларидаги колхозларнинг 200 мингга яқин чорва моллари боқилмоқда.

Ма'лумки, мустаҳкам ем-хашак базасини вужудга келтириш мол туёғини кўпайтириш ва унинг маҳсулдорлигини оширишнинг энг муҳим шартидир. Яйловга яқин Сирдар'ё бўйидаги Қўздиқўл тўқайи ва Келес массивидаги Ачиқўл бўйлари ем-хашак базаси яратишда катта имкониятлар тўғдиради. Ҳозирча дар'ё ва кўл ёқаларига сув чиқариб, 2500 гектар ерни экинзорга айлантириш мумкин

Аммо, ҳамма иллат шундаки, область қишлоқ хўжалик бошқармасининг раҳбарлари чорва моллари учун ем-хашак базаси вужудга келтириш тўғрисида кўп гапиралар-у лекин яйловга яқин жойларда бундай имкониятлар борлигидан яхши хабардор бўлганлари ҳолда ундан фойдаланиш учун чинакам ташкилотчилик қилмаётирлар. Бу ерда бир мисолни кўрсатиб ўтишга тўғри келади. 1954 йилда колхозлар Ачиқўл бўйидаги 100 гектар ерни ўзлаштириб, лавлаги ва чакбуюмлари, туз, керосин, гугурт, мебель, кровать радиоприёмниклар блан етарли та'минлашни, яйловга кўчма дўконлар чиқаришни, терма уйлар юборишни талаб қилмоқдалар.

Чорва молларини сув блан та'минлаш ва чўпонларнинг меҳнатини енгиллаштириш учун етарли миқдорда қудуқлар қазиш, сув блан та'минлашни механизациялаш зарур экаллиги бу ерда кун сайин сезилиб турибди. Яйлов мелиорация трести эса бу соҳада жуда қониқарсиз ишламоқда. У қудуқ қазиб бериш, сувдан фойдаланишни механизациялаш юзасидан колхозлар блан тузилган шартномадаги ўз мажбуриятларини бажармаётир.

Ба'зи колхозларда чўпонлар иш кийимлари ва иссиқ уйлар блан етарли та'минланмаган, улар учун озиқ-овқат ўз вақтида етказиб берилмаётир.

Партия, совет ташкилотлари ва қишлоқ хўжалик органлари раҳбарларининг вазифаси — яйловдаги чорвадорларнинг талаб ва ихтиёжларини кун сайин қондириб туришдан, улар тўғрисида тинмай ғамхўрлик қилишдан иборат.

А. ШЕРМУХАМЕДОВ,
Ш. КУЗАНБОЕВ.

Яйловга газетанинг янги сони келди.

Келес МЧСнинг механизаторлари сенокосилкалар ремонтини туталламоқдалар. **Суратда:** (чапдан) тракторчи **Б. Шоюсупов**, механик **Б. Жабборов** ва тракторчи **М. Султонов** ўртоқлар иш устида.



Ем-хашак учун экилган галла майдони борона қилинмоқда.

Келес массивидаги чорвадорларга медицина хизмати кун сайин яхшиланмоқда.

РУМИНИЯДА ВЕНА МУРОЖААТИГА ИМЗО ТУПЛАШ

БУХАРЕСТ, 3 март. (ТАСС). Руминияда Жаҳон Тинчлик Кенгаши Бюроси Вена сессиясининг Мурожаатига имзо тўплаш муваффақиятли бормоқда.

Сталин областида Мурожаатга 444 минг киши, Бакэу, Ясси ва Бая-Мард областьларининг ҳарбирида 300 минг киши, Галац областида 250 мингдан кўпроқ киши қўл қўйган ва ҳоказо.

Имзо тўплаш давом этмоқда.

Корея Халқ Демократик Республикасида Вена Мурожаатига имзо тўплаш

ПХЕНЬЯН, 3 март. (ТАСС). Корея Халқ Демократик Республикасида Жаҳон Тинчлик Кенгаши Бюросининг жаҳон халқларига қарата чиқарган Мурожаатига имзо тўплаш кенг кампания тусини олди.

Республиканинг қурилишларида ва заводларида, муассасаларида, қишлоқларида митинг ва йиғилишлар бўлмоқда. Митинг ва йиғилиш қатнашчилари Мурожаатга жон-диллари блан имзо чекмоқдалар.

Пхеньян матбуоти имзо тўплаш кампаниясига кўп э'тибор бераётир. Ҳамма газеталар бу кампанияни ёқлаб мақолалар босаяпти. Бирлашган Демократик ватан фронти Марказий комитети органи Ўзининг редакцион мақоласида, бу кампанияга корейс халқининг иштирок этиши унинг янги урушнинг олдини олишга, атом ва водород қуролларини тақиқлашга эришишга қат'ий қарор қилганлигини билдиради, деб ёзади.

Германия Демократик Республикаси блан Албания ўртасида товар алмашув кенгаймоқда

БЕРЛИН, 3 март. (ТАСС). АДН агентлиги мухбирининг билдиришига кўра кеча Лейпцигда Германия Демократик Республикаси блан Албания Халқ Республикаси ўртасида 1955 йилда бир-бирларига товарлар етказиб бериш ҳақида протокол имзоланган.

Германия Демократик Республикаси Албания Халқ Республикасига саноат ускуналари, транспорт воситалари, моторлар, электротехника асбоблари ва аниқ асбоблар, оптика буюмлари, химикаллар, кенг иste'мол товарлари ва бошқа товарлар етказиб беради.

Албания Халқ Республикасидан ГДР хром руداси, битум, тамаки, мевалар ва бошқа маҳсулотлар олади.

Протоколда кўрсатилишича, товар алмашув ўтган йилдагига нисбатан 40 процент кўпайиши кўзда тутилади.

Сурия блан Миср ўртасида битим

ДАМАШҚ, 3 март. (ТАСС). Буерда кейинги вақтда Миср миллий раҳбарлик министри Салох Салимнинг Сурия раҳбарлари блан олиб борган музокаралари натижасида бугун Сурия блан Миср ўртасида ҳамкорлик тўғрисида битим имзоланди.

Сурия ташқи ишлар министри Халид Аэим Франс Пресс агентлигининг мухбири блан қилган суҳбатида, Сурия блан Миср сиёсий, иқтисодий ва ҳарбий масалалар юзасидан битим тузилар деди. У, бу битимнинг тексти бошқа араб мамлакатлари унинг блан танишиб чиққанларидан кейин Дамашқда ва Қоҳирада айни бир вақтда э'лон қилинади, деб илова қилди.

ПАРИЖ, 3 март. (ТАСС). Франс Пресс агентлиги мухбирининг Дамашқдан берган хабарига қараганда, Миср блан Сурия ўртасида эндигина имзоланган битим араб давлатлари ўртасидаги мавжуд коллектив ҳавфсизлик пактини сиёсий, иқтисодий ва ҳарбий жиҳатдан кучайтириши лозим.

Жанва битимларини бузишга тайёргарлик

КАРАЧИ, 3 март. (ТАСС). Маҳаллий радио АҚШ ҳукумати вакилининг хабарига асосланиб қуйидаги хабарни эшитдирди! ҳозирги вақтда Камбоджа блан АҚШ ўртасида Камбоджанинг армиясини икки баравар кўпайтириш ва уни ҳозирги замон қурол блан қуроллантириш ҳақида музокаралар олиб борилмоқда. «Америка вакилининг айтишича, бу музокаралар АҚШ давлат секретари Даллеснинг яқинда Ҳинди-Хитойга келиб кетганлиги натижасидир.

Буерда кутишларича АҚШ Камбоджага 200 ҳарбий маслаҳатчи юборади».

Совет-Болгария савдо муносабатларига доир

Кейинги вақтда Москвада СССР Ташқи савдо министрлиги блан Болгария савдо делегацияси ўртасида музокаралар олиб борилди.

Бу музокаралар натижасида икки Томон 1955 йилда СССР блан Болгария ўртасида бир-бирларига товарлар етказиб бериш тўғрисида битимга келди.

Шу йил 2 мартда имзоланган Протоколда СССРдан Болгарияга саноат ускуналари, тракторлар, қишлоқ хўжалик машиналари, автомобильлар, қораметаллар прокати, рангли металлар, пахта, каучук, қоғоз, ўғитлар, химикатлар ва Болгария халқ хўжалиги учун зарур бўлган бошқа товарлар етказиб бериш кўзда тутилади.

Болгария СССР га рангли металлар руداси концентратлари, тамаки, баржалар ва Болгария экспорт қиладиган одатдаги ба'зи қишлоқ хўжалик товарлари етказиб беради.

Протоколни Совет томонидан Ташқи савдо министрининг ўринбосари П. Н. Кумыкин, Болгария томонидан Ташқи савдо министри Ж. Живков имзоладилар.

Совет Иттифоқи блан маданий алоқаларни кенгайтириш учун

ПАРИЖ, 3 март. (ТАСС). «Франция — СССР» ассоциацияси чиқараётган журналда Франция блан СССР ўртасидаги маданий алоқаларнинг аҳамияти ҳақидаги анкетага берилган жавоблар э'лон қилинган. Журнал шу тўғрисидаги савол блан кўзга кўринган фан ва сан'ат арбобларига мурожаат қилган эди. Бу арбоблар совет маданият арбоблари блан алоқани кенгайтиришни истаганликларини билдириб, якдиллик блан жавоб қайтарганлар.

Машҳур медик, профессор Лакассань жумладан, француз ва совет олимлари ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш ва кенгайтириш тарафдори эканлигини айтган. Табиатшунос олим Жюль Гран ҳар иккала мамлакат маданият арбобларининг тинчлик учун курашда биргаликда ҳаракат қилишларини ёқлаб чиққан.

«Комеди-Франсэз» театрининг артисткаси, ўтган йили театр блан биргаликда СССРга гастрольга келган Беатриса Бретти иккала халқ ўртасида маданий алоқа ўрнатиш мақбул ва ҳатто зарур деб ҳисоблаганлигини айтган.

Лион университети медицина факультетининг профессори Бертеймер, ёзучи Гаскар ва бошқалар ҳам Франция блан СССР ўртасида маданий ҳамда иқтисодий алоқаларни кенгайтиришни ёқлаб жавоб берганлар.

Тайвань районидаги аҳвол муносабати блан кўрилаётган янги тадбирлар тўғрисида Америка мухбирининг ёзганлари

НЬЮ-ЙОРК, 2 март. (ТАСС). Юнайтед Пресс агентлигининг мухбири Лондондан хабар беради: Буерда ма'лум бўлишича, Тайвань районидаги аҳвол ҳақидаги масалани ҳал этишга ҳалақит бераётган қийинчиликни енгиш йўлида Москвада яна ҳаракат қилинмоқда. Лондондаги расмий доираларнинг айтишича, шу ҳафта ичида Англия ва Ҳиндистон вакиллари мақбул қарорга эришиш йўлида яна уриниб кўриш ниятида Совет Ташқи ишлар министрлиги блан яна алоқа боғлаганлар. Журналистларнинг саволларига жавобан Англия ташқи ишлар министрлиги вакили «дипломатияга ишлаш имконияти бериш керак» деган.

Обрўли доираларнинг огоҳлантириб ўтишича, деб давом этади мухбир, масалани ҳал этиш умидининг руёбга чиқишига ҳали жуда узоқ. Бу умидлар «дипломатия йўли блан фикр олишишни давом этдириш блан боғлиқдир, бу фикр олишишда Москва Ғарб блан Пекин ҳукумати ўртасида воситачилик ролини ўйнайди».

Броқ, деб ёзади сўнгра Юнайтед Пресс мухбири, Тайвань районидаги стратегия ҳақидаги масалада Иден блан Даллес ўртасида битимга келинмаганлиги ҳозирги вақтда воситачилик йўлида кўрилаётган тадбирларга жуда кучли та'сир қилмоқда. Бангкокда Иден блан Даллес соҳил бўйидаги Куэмой ва Мацзу деган Хитой ороллариии эвакуация қилиш ҳақидаги низо'ли масалада битимга келаолмаганлар. Англия ҳали ҳам бу ороллари Хитойга қаралли деб ва эвакуация қилинишлари лозим деб ҳисоблайди. Лекин Қўшма Штатлар чанкайшичилар томонидан бу ороллариии эвакуация қилинишини истамаганликларини ва агар бу ороллларга ҳужум қилипса, Қўшма Штатлар уларни мудофаа қилажажкларини аниқ билдирганлар.

Англия дипломатларининг фикрича, «ана шундай катта ихтилофлар бўлишига қарамай, дипломатия мақбул формулани топиш йўлидаги ишини давом этдиралади. Бу сиёсат Англиянинг, Совет Иттифоқи ўз воситачилигига жиддий қараётган бўлса керак, деган мўлжалини кўзда тутади».

Даллеснинг Тайваньда бўлиши

НЬЮ-ЙОРК, 3 март. (ТАСС). Юнайтед Пресс агентлиги мухбирининг хабар беришича, бугун Тайваньга келган АҚШ давлат секретари Даллес Чан Кай-ши блан махфий кенгаш ўтказган. Кенгашда АҚШ ҳарбий-денгиз кучлари штабининг бошлиги адмирал Кэрни, Америка Тинч океан флотининг қўмондони адмирал Стамп ва Тайвань районида ҳаракат қилаётган 7-нчи флотнинг қўмондони вице-адмирал Прайд ҳам қатнашганлар.

Хабарда айтилишича, Даллес Бангкокда бўлиб ўтган СЕАТО кенгаши ҳақида Чан Кай-шига ахборот берган. Даллес СЕАТО кенгашда чанкайшичилар тўдаси иштироки блан «Шарқи-Шимолий Осиё мамлакатлари шартномаси ташкилотини» тузиш планини олдинга сурган эди. Чан Кай-ши эса Даллесдан АҚШнинг чанкайшичиларга қўшимча равишда ҳарбий кемалар, самолётлар ва тўплар ажратишини сўраган.

Мухбирларнинг хабарига қараганда, кенгашдан кейин Даллес бундай деган: «Агар президент Эйзенхауэр Формозани ва Пескадор ороллариии мудофаа қилишни та'минлашни мувофиқ деб топса, у ҳолда Куэмой ва Мацзу ороллари америкалилар блан миллатчилар (чанкайшичилар. — Редакция) бирлашган мудофаа районига киритилса керак».

Бугун Даллес блан чанкайшичилар ташқи ишлар министри Қўшма Штатлар блан доминданчилар тўдаси ўртасида ўтган йил 2 декабрьда тузилган «ўзаро хавфсизлик ҳақида шартнома» деб аталган шартноманинг ратификация қилинганлиги ҳақидаги ёрлиқларни имзолаганлар. Шундай қилиб, Қўшма Штатларнинг Тайваньни оккупация қилиб туришини мустаҳкамлайдиган бу «шартнома» кучга кирган ҳисобланади.

Бугун кечқурун Даллес самолётда АҚШга учиб кетган.

Даллеснинг Ҳинди-Хитойга борганлиги тўғрисида Вьетнам информация агентлигининг хабари

ПЕКИН, 3 март. (ТАСС). Синьхуа агентлиги мухбири Ханойдан хабар беради:

Вьетнам информация агентлиги АҚШ давлат секретари Даллеснинг Лаосга, Камбоджага ва Жанубий Вьетнамга борганлигини шарҳлаб, «уруш оловини ёқучи америкаси империалистлар қаергаки борсалар, ўша ерда тинчликка ва хавфсизликка хатар туғилади» деб кўрсатмоқда.

«Шу нарса яхши ма'лумки, — дейилади Вьетнам информация агентлигининг хабарида, — Жанва битими имзоланганидан бери Америка империалистлари бу битим шартларининг бажарилишини бузишга уринмоқдалар. Ҳозир улар яқинда бўладиган сайловларни бузишга тайёргарлик кўрмоқдалар, Баодай армиясини уруш қуролига айлантирмоқ учун унга бевосита ёрдам кўрсатмоқдалар, унга ҳарбий та'лим бермоқдалар».

Даллес Сайгонда бўлган вақтида, дейилади агентликнинг хабарида, у Жанубий Вьетнамни Америка базасига айлантириш тўғрисида АҚШ президентининг махсус вакили генерал Коллинсга ва бошқа шахсларга йўл-йўриқ берди. «Америка империалистлари, — дейилади хабарнинг охирида, — Ҳинди—Хитойнинг ҳарбий, сиёсий ва иқтисодий соҳалари устидан ўз контрольликларини ўрнатиш пайига тушдилар».

Иденнинг Деҳлида қилган баёноти

НЬЮ-ЙОРК, 4 март. (ТАСС). Ассошиэйтед Пресс агентлиги билдиради: Англия ташқи ишлар министри Иден Бангкокдан қайтишда 2 марта Деҳлига келган ва Тайвань районидаги аҳвол тўғрисида Ҳиндистон бош министри Неру блан дарҳол музокара юргизабошлаган. Агентликнинг хабаридан ма'лум бўлишича, Иден «Узоқ Шарқдаги кризис масаласида Англия ва АҚШ нуқтаий назарига яқин келадиган» нуқтаи назарни Неруга қабул қилдирмоқчи бўлади.

ЛОНДОН, 4 март. (ТАСС). Англия ташқи ишлар министри Иден кеча Деҳлида ўтказилган матбуот конференциясида сўзлади. Рейтер агентлигининг хабарига кўра, Иден Тайвань районида юз берган кескин аҳволга тўхталиб, бу проблемани «муҳокама қилиш ва муросага келиш» асосида ҳал этишга да'ват қилган.

Буерда та'кидлаб айтишларича, Иден ўз баёнотида ва журналистларнинг саволларига берган жавобларида АҚШнинг Тайвань районида ва Хитой қирғоғи яқинидаги ороллар районида қилган агрессив ҳаракатлари натижасида кескин вазият юз берганлигининг асл сабаблари ҳақида ҳеч гап айтмаган.

Тайвань районидаги аҳвол муносабати блан конференция чақириш имконияти ҳақидаги саволга жавоб қайтариб, Иден бундай деган: «Кенгашни ўтказиш имкониятига эга бўлиш учун керакли замин бирмунча тайёрлаб қўйилиши лозим». Шу блан бирга, у, кенгашда, чанкайшичиларга ўрин берилишини кўзда тутиб бўлса керак, «бундай кенгашда кимларнинг иштирок қилишини» аниқлаб олиш зарур, деб талаб қилган.

Иден Тайвань ҳақидаги ва Хитой қирғоқларига яқин ороллар ҳақидаги масалада Англия, Ҳиндистон ва Қўшма Штатлар ўртасида ихтилофлар борлигини рад этмаган, аммо «бу ихтилофларни йўқ қилиш мумкин» деб умид билдирган.

Иден атом ва водород қуролларининг ривожлантирилиши «тинчлик манфаатлари учун иш кўрадиган фактор» деб э'лон қилган. Иден Париж битимларининг ашаддий тарафдори эканлигини айтиб, жамоатчиликни чалғитиш учун фойдаланилаётган, сийқаси чиққан гапларни, я'ни Париж битимларининг ратификация қилиниши буюк давлатлар ўртасида «музокаралар олиб бориш перспективасини яхшилаган бўлар эди» деган гапларни тақрорлашдан бошқа гап топаолмаган.

Иден бошқа саволларга жавоб қайтариб, Қўшма Штатларнинг Ҳинди-Хитойга уруш ҳаракатларини тўхтатиш тўғрисидаги Жанва битимларига путур етказиш сиёсатини мақташга уринган. Американинг Лаосга ҳарбий «ёрдам»ни Жанва битиминнинг шартларини бузмайдиган тадбир деб кўрсатишга уринган. Матбуот конференцияси давомида Иденнинг Индонезияни, Бирмани ва Цейлонни ана шу блокка тортиш йўли блан СЕАТОни кенгайтиришни талаб қилганлигини э'тиборга олганда, унинг бундай нуқтаи назари равшан бўлиб қолади.

Тошкентда

Пахта пунктлари учун

Пахтачилик саноати Марказий илмий-текшириш институти пахтачиликни тинмай юксалтириш вазифалари блан бевосита боғлиқ бўлган қатор илмий ишлар устида самарали ишлаб, яхши натижаларга эришмоқда.

Институт кейинги йилларда қишлоқ хўжалигида ишлатилиб келинган зернопультлар типи бўйича уруғлик чигитни саралайдиган янги сортировка машинасини конструкциялаштирди ва уни синовдан ўтказди. Ҳозирги вақтда «Ташхлопкомаш» заводида ҳар соатда 5 тонна уруғлик чигитни саралайоладиган сортировка машинасининг намунаси тайёрланмоқда.

Институт ходимлари томонидан ишлаб чиқилган механизациялаштирилган прибор пахтанинг қай даражада ифлосланганини 9 минут ичида аниқлаш имконини беради. Бу прибор бу йил пахта тайёрлаш пунктларида кенг миқ'ёсда қўлланилади.

Шунингдек, тайёрлаш пунктларига келтирилган пахтани қабул қилишни тезлаштириш ва кўп меҳнат талаб этадиган асосий ишларни механизациялашга катта э'тибор берилмоқда. Натижада пахтани бунтларга узатиш, қоплаш, автомашинага ортиш ишлари механизациялаштирилди.

Пахта тайёрлаш пунктларида механизациянинг кенг миқ'ёсда жорий қилиниши меҳнат унумдорлигини деярлик икки марта оширади.

☆

Р. Глиэр номидаги музика мактабида республикамиз меҳнаткашларининг юзларча ўғил-қизлари та'лим олмоқда. **Суратда:** ўқитучи **З. И. Марченко Саида Абдуллаева** блан машғулот ўтказаётир.

С. Чижиков фотоси.

☆

Шоирлар студентлар блан учрашди

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти тарих-филология, рус тили ва адабиёти факультетларининг студентлари яқинда институт биносида Совет ёзучилари Бутуниттифоқ иккинчи с'ездида қатнашган ўзбек совет ёзучилари Андрей Иванов, Асқад Мухтор, Қуддус Муҳаммадий ўртоқлар блан учрашдилар.

Учрашувда А. Иванов, А. Мухтор ўртоқлар с'ездан олган таассуротларини сўзлаб бердилар ҳамда студентларни ўзбек совет ёзучиларининг ижодий планлари блан таништирдилар.

Студентлар Асқад Мухторнинг «Китоб», «Ойна олдидаги қўл'ёзмалар», Қуддус Муҳаммадийнинг «Кўчат», «Кичкинтойлар орзуси», «Милиционер амаким» ва Туроб Тўланинг «Икки булбул», «Жавоб» каби ше'рларини мароқ блан тингладилар.

Учрашув жуда қизиқарли ўтди.

Макарон артелининг коллективи меҳнаткашлар учун юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришга катта аҳамият бермоқда. Бу ерда шаҳар аҳолиси учун ҳаркуни 20 тоннагача макарон, увра ва вермишель ишлаб чиқарилмоқда. **Суратда:** электр сушилка цехининг ишчиси **М. Н. Горбунова** (чапда) ва бракёр **А. Хидоятова** ўртоқлар маҳсулотни жўнатишга тайёрламоқда.

В. Салов фотоси.

☆

Ўзбекистон композиторларининг янги асарлари

Ўзбекистон композиторлари бу йил республика меҳнаткашларининг кўп сиррали, ҳаётига бағишланган бирқанча янги йирик музика асарларини яратдилар.

Тошкент консерваторияси тарбиялаб чиқарган ёш композитор Г. Зубатов биринчи симфонияни ёзди. Бу симфония Ўзбекистон давлат филармонияси оркестрининг репертуарига киритилган. С. Бобоев хор ва симфоник оркестр учун ёзган янги кантатасини республиканинг донгдор пахтакорларига бағишлади. Композитор Ғ. Қодиров «Ёшлик» деган увертюрасини тамомлади.

СССР Совет композиторлари союзининг навбатдаги пленуми яқин кунларда Москвада ўз ишини бошлайди. Пленум концертлари программасига «Шоирнинг хотираси» номли симфоник поэма киритилган. И. Акбаров бу поэмани Ҳамза Ҳакимзодага бағишлагандир.

Хор коллективлари учун оммавий қўшиқлар, вокал пьесалар яратиш устида музиқачилар блан катта бир группа ишламоқда.

Курсни муваффақият блан тамомладилар

Область маданият бошқармаси ҳузурида Тошкент областининг турли районларидаги колхоз клуби ва кутубхоналари мудирларининг ихтиросини ошириш юзасидан ташкил этилган бир ойлик курсни 60 дан ортиқ киши муваффақият блан тамомлади.

Курс тингловчилари маданий-оқартув ишларини ташкил қилиш юзасидан ўқилган лекциялардан ташқари Тўқимачилар ва Темирйўлчилар маданият саройлари, республика Маданият уйи, Ўртасасарой районидаги «Полярная звезда» колхоз клуби, Тошкентдаги табиий-илмий билимларни пропаганда қилучи табиийот музейлари ва Навоий номидаги халқ кутубхонасида бўлдилар. Улар бу ерда оммавий-тарбиявий ишларнинг қандай олиб борилаётгани блан танишдилар.

Қисқа муддатли курс ўқучилари Янгийўл районидаги 2-нчи МТСда бўлиб, бу ерда қишлоқ хўжалик машиналарини янги усулга мослаштириш юзасидан олиб борилаётган ишлар блан ҳамда шу районнинг Сталин номли колхозида эса чорвачилик фермасини ривожлантиришдаги илғор иш методлари блан танишдилар.

Тарихчилар конференцияси

В. И. Ленин номидаги Ўрта Осиё Давлат университетининг тарих факультетида яқинда тарихчиларнинг илмий конференцияси бўлиб ўтди. Конференцияда доцент Е. А. Дворкина университетнинг ташкил этилиш тарихи ва унинг дастлабки йиллардаги иши ҳақида доклад қилди.

Доцент А. П. Савицкий Ўрта Осиёда темирйўл қурилиши тарихига оид қизиқарли ма'лумотларни айтиб берди.

1916 йилда мустамлака режимининг кризиси ва Туркистон генерал-губернатори Куропаткин «реформаси» ҳақида тарих фанлари кандидати П. А. Ковалев доклад қилди.

Тарих фанлари кандидати А. П. Абакумов ўз докладида ўтган асрнинг 70-нчи йилларида Туркия босқинчилари эзилмиш озод бўлган Болгарияннинг хўжалик ва маданиятини тиклашда улуғ рус халқининг ролини характерлаб берди.

Шашка бўйича Тошкент биринчилиги учун

Саккизинчи даврада С. Давидов У. Бегжонов блан учрашди. Пассив ўйнаб катта хатога йўл қўйган Бегжонов мағлубиятга учради. Ф. Ҳасанов К. Темиров устидан ғалаба қозонди. Мастерликка кандидат И. Гавриленко, мастерликка кандидат Е. Черкасский устидан ғалаба қозонишга муяссар бўлди. Биринчи разрядли шашкачи А. Яковлев В. Косяковскийни утди. В. Александров блан С. Гуляев ўртасидаги ўйин дуранг бўлди.

Шундай қилиб, саккизинчи даврадан кейин 6 очкога эга бўлган мастерликка кандидат С. Гуляев олдинда бормоқда.

Тўққизинчи даврада У. Бегжонов — В. Александров, Л. Кац — С. Давидов, К. Темиров—А. Грязнов, Б. Косяковский — Ф. Ҳасанов, С. Черкасский — Л. Шварц, С. Гуляев блан И. Гавриленколар учрашадилар.

—◇—

Хроника

СССР Министрлар Совети Фавқулодда ва Мухтор Элчи ўртоқ Аркадий Александрович Соболевни СССРнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Хавфсизлик Кенгашидаги доимий вакили қилиб тайинлади.

Редактор З. ЕСЕНБОЕВ.

ТЕАТР ВА КИНОЛАРДА:

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 5/III да **Оғриқ тишлар**, 6/III да кундуз **Алишер Навоий**, кечқурун **Қутлуғ қон**.

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТР БИНОСИДА — 7/III да Ўзбекистон давлат филармонияси **Ўзбек ашула ва рақс ансамблининг концерти**. Концерт кеч соат 8 яримда бошланади. Билетлар сотилмоқда.

«ЁШ ГВАРДИЯ», «КОМСОМОЛ 30 ИИЛЛИГИ» кинотеатрларида — янги немис бадиий фильми **Эрнст Тельман — ўз синфининг фарзанди.**

«РОДИНА», НАВОИЙ номли, «ИСКРА «ЎЗБЕКИСТОН», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ИИЛЛИГИ» кинотеатрларида — янги поляк бадиий фильми **Фригия юлдузи остида.**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

Бугун

«АЖОИИБ ТАМОШАЛАР» АТТРАКЦИОНИ

Текст — Сталин мукофоти лауреати, РСФСРда хизмат кўрсатган артист **С. Ценин** ва **Н. Зиновьев**ларники, Сталин мукофоти лауреати, композитор **С. Кац** музикаси. Бадиий раҳбар — **М. С. Качуринер.**

Янги программада **цирк тамошалари.**

Тамоша кеч соат 8 да бошланади. Якшанба куни **3 марта тамоша** кўрсатилади.

ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ЖАМОАТ ТАРТИБИНИ БУЗУЧИЛАРГА ҚАРШИ КУРАШ ЧОРАЛАРИ ТУҒРИСИДА

МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИНИНГ

Мажбурий фармойиши

Тошкент шаҳри №13 1954 йил 24 декабрь.

Тошкент шаҳрида жамоат тартибини сақлаш мақсадида, меҳнаткашлар депутатлари Тошкент шаҳар Советининг ижроия комитети **қарор қилади:**

1. Кўчаларда, паркларда, трамвай вагонларида, троллейбусларда, автобусларда, тамошахоналарда ва умум фойдаланадиган бошқа жойларда **қуйидагилар қат'ий тақиқланади:**

а) жамоат тартиби ва осойишталикни бузадиган ҳаракатлар;

б) гражданларнинг маст ҳолда пайдо бўлиши;

в) спиртли ичимликлар ичиш;

г) кўчага чиқадиган дераза ва айвонларда ювилган кир, кийим ва бошқа буюмларни илиш.

2. Юқорида кўрсатилган ҳаракатларга йўл қўйишда айбдор бўлган кишилар ма'мурий жавобгарликка, я'ни 100 сўмгача штраф тўлашга ёки бир ойгача муддат блан мажбурий ишга тортилсин.

3. Шу қоидалар сал бузилган тақдирда, милиция органларига айбдорларга 3 сўмгача штраф солиш ҳуқуқи берилсин. Қоидани бузучи штрафни жойнинг ўзида тўлашдан бош тортганда, милиция бўлимларининг бошлиқларига штрафни уч баравар ошиқ миқдорда солиш ҳуқуқи берилсин.

4. Бу мажбурий фармойишнинг бажарилишини кузатиш милиция органларига юклансин.

5. Шу мажбурий фармойиш э'лон қилинган кундан бошлаб 15 кундан кейин кучга киради ва Тошкент шаҳри доирасида жорий этилади.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси

Х. И. ЮСУПОВА.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг секретари вазифасини вақтинча бажаруви

А. И. ГОНЧАРОВ.

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси № 34 РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: коммутатор—36334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 136. Пропаганда бўлими — 136. Совет қурилиши бўлими — 135. Маданият бўлими — 132. Адабиёт ва сан'ат бўлими — 39040, Қишлоқ хўжалик бўлими — 135. Саноат ва транспорт бўлими —132, Хатлар бўлими — 132, Секретариат — 34048, Э'лонлар бўлими—38142.

Р. 02261. «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистон сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Нашр. № А — 1384.